



MILLIY TIKLANISH

28 (193) ● 2012 йил 18 июль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!



СЕМНАР иштирокчилари бундай ўқувлар истиқлол тарихини англаш, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада бойитишда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлашди.



АЛИШЕР НАВОИЙ номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" мавзусида маърифий тадбир бўлиб ўтди.



БУ ЙИЛГИ мавсумда Жиззах вилоятининг қатор кундузи оромгоҳлари фаолияти ҳар қачонгидан ҳам намунали. Айниқса, Фаллаорол туманида жойлашган "Қамолот" номли кундузи оромгоҳида дам олувчиларнинг ҳар бир куни сермазмин ўтмоқда.

2 СИЁСАТ

5 МАЪНАВИЯТ

8 НИГОХ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори
Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида

Эл-юртимиз учун асрлар давомида эзгулик, саховат, меҳр-шафқат, қаноат ва шукроналик рамзи бўлиб келаётган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, жамиятимизда меҳроқибат, ўзаро аҳиллик ва ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизга хос олижаноб фазилатларни, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2012 йилда муборак Рамазон ойининг бошланиши 20 июль кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ойини жойларда миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатларимизга уйғун ва ҳамонан тарзда ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Мазкур тадбирларни ўтказишда муборак Рамазон ойининг моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини эъзозлаш, мамлакатимизда муқаддас динимизни тиклаш, виждон эркинлигини таъминлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг бой илмий-маърифий меросини чуқур ўрганиш, уларнинг муқаддас қадамжоларини обод этиш борасидаги кенг қўламли ишларимизни тарғиб этиш, ушбу кутлуг ойда амалга ошириб келинадиган хайрия тадбирлари, эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, зиёратгоҳларни ободонлаштириш, оила ва маҳаллаларда меҳроқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича олиб бориладиган ишларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
 Тошкент шаҳри, 2012 йил 17 июль



● **ФРАКЦИЯ ҲАЁТИ**

Дастурий мақсадлар ва электорат манфаатларига мос

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИМИЗ ЭЪТИБОРИДА

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари-

ни ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги, "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республи-

касининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳалари фракция аъзолари томонидан муҳокама қилинди.

2-бет

● **ЎҚУВ-СЕМНАР**

Президент асари ўрганилмоқда

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилоят Кенгаши ташаббуси билан Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китобини ўрганиш юзасидан ўқув-семинар ўтказилди. Унда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия Тошкент вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ва Янгийўл туман Кенгаши ходимлари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ва ёшлар иштирок этди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китоби Ватанимиз мустақиллиги, бугунги тинч ва осуда, фаровон кунларга эришиш йўлида олиб борилган машаққатли ҳамда шарафли кураш тарихини яққол намойён этиб берган асар эканлиги эътироф этилди.

— Президентимизнинг мазкур китобдан ўрин олган нутқлари, маъруза ва сўхбатлари, мақола ва интервьюларининг илмий-назарий қиммати ҳамда аҳамияти барчамиз, айниқса, ёшлар учун нихоятда беқиёс, деди халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати Мунира Қориева. — Чунки, ушбу китобда ўша даврдаги носоғлом ва

мураккаб шароитда давлат раҳбарининг Ўзбекистон, унда яшовчи миллионлаб инсонлар тақдирини, авлодлар келажагини билан Ватанимиз мустақиллигини ҳал этувчи амалий фикр-мулоҳазалари акс этган.

Дарҳақиқат, китобни ўқир экансиз, ўша йилларда миллий тикланиш, миллий ўзлигини англаш, маънавиятни юксалтириш, дунёда бебаҳо бўлган тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиқидек асраш йўлида олиб борилган саъй-ҳаракатлар кўз олдинда намойён бўлади. Бу китоб тарих ойнаси каби айни ҳақиқатни намойён этиши билан ҳар бир ўқувчида катта таассурот қолдиради.

2-бет

● **АЁЛЛАР ҚАНОТИ**

Хотин-қизлар сиёсий фаоллиги

САМАРҚАНДДА УНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН РЕСПУБЛИКА СЕМНАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ва партия Самарқанд вилоят Кенгаши ҳамкорлигида "Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини оширишда ЎзМТДПнинг ўрни ва роли" мавзусида семинар ўтказилди. Унда ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари "Аёллар қаноти" етакчилари ҳамда партия фаоллари иштирок этди.



Тадбирни ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Анвар Мирзаев кириш сўзи билан очиб, ўтган 2011 йилда парти-

янинг вилоят Кенгаши "Энг намунали худудий партия ташкилоти" Республика кўрик-танловининг ғолиби бўлгани, бунда "Аёллар қаноти"

нинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлади.

Семинарда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бўлим бошлиғи Ханифа Зокирова "Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини оширишда ЎзМТДПнинг ўрни ва роли" мавзусида маъруза қилди.

—Семинар партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимлари ҳамда фаоллигини оширишга кўмаклашиш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, юртимизда кечаётган демократик ўзгаришлар, қонунлар ҳамда қабул қилинаётган қарорлар мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, улар орасидан партиянинг кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида ташкил этилди.

3-бет

● **МУНОСАБАТ**

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида босқичма-босқич кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Эътибор ва ишонч

ФАОЛИЯТИМИЗНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШГА УНДАЙДИ

Бу жараёнда, табиийки, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида уларни кенг миқёсда ривожлантириш, ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилди. Бунга бугунги кунда Ўзбекистонда 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият юритаётгани, фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларнинг сони 10 мингдан ошгани, фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани яққол далил бўла олади.

2-бет

СИЁСАТ

● **ФРАКЦИЯ ХАЁТИ**

Дастурий мақсадлар ва электорат манфаатларига мос

ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИМИЗ ЭЪТИБОРИДА



(Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳалари мамлакатимиз ҳаётининг турли соҳаларида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг ҳуқуқий базасини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади. Хусусан, "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида "Прокуратура тўғрисида"ги, "Судлар тўғрисида"ги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал кодексларининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган. Унда айбланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсини тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбуриятларни қўллашнинг суд тартиби, жиноят ишларини кўзгаши судларнинг ваколатларидан чиқариш каби бир қатор масалалар назарда тутилмоқда. Йиғилишда, шунингдек, "Ху-

сусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Мазкур лойиҳа хусусий мулкни қўриқлаш ва унинг ҳимоясини қонун асосида таъминлаш, дахлсизлиги кафолатларини амалда таъминлаш учун шароит яратиш, хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш ва уларни ҳимоя қилиш жараёнида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилди.

— Ушбу қонун лойиҳаси хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонуний база яратишни назарда тутди, - деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси М.Алимова. — Бу эса партиямиз сайловолди Платформасида белгиланган ҳуқуқий ва иқтисодий воситаларни янада такомиллаштириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид вазифаларни амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлиши шубҳасиз. Шунингдек, қонун нормаларини рўйбга чиқариш иқтисодий соҳада хусусий мулкнинг самарали амал қилиши учун қулай шароитлар яратади. Қонун тартибидоги навбатда-

ги масала, яъни товар ва молия бозоридаги рақобат муносабатларини тартибга солиш айрим қонун ҳужжатларини амалдаги "Рақобат тўғрисида"ги қонунга мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган "Рақобат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан муҳокама қилинди.

Олимжон ОҚИЛОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— "Рақобат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси тобора ва молия бозорларидаги рақобат муносабатларини тартибга солишга оид қонун ҳужжатларини "Рақобат тўғрисида"ги қонунга мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилди. Жумладан, "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги,

"Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги, "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги, "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги, "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги, "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонунларнинг, Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Фуқаролик кодекслари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг айрим моддаларига тузатишлар киритишни назарда тутди. Айтиш жоизки, мазкур қонуннинг рўйи эркин рақобат орқали истеъмол товарлари ва хизматлар соҳасида миллий брендлар юзга келишига қўмаклашиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган товарларни жаҳон бозорига олиб кириш, халқаро майдонга "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" брендини олиб кириш имконини беради. Бу эса партиямиз сайловолди Платформаси, дастурий мақсадлари ҳамда электорати манфаатларига мос ва хизмат қилади.

Шоҳида ДАМАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда)

● **ЎҚУВ-СЕМИНАР**



Президент асари ўрганилмоқда

лакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий аҳоли яққол акс эттирилган. Ҳаётда оғир вазиятда иш бошлаган Президентимизнинг истиқлол сари бошлаган дадил ҳаракатлари, мамлакатни чуқур инқироздан матонат билан олиб чиқганини ёшларга аниқ далиллар асосида етказиш биз депутатларга катта масъулият юклайди. Депутатлик гуруҳимиз партия билан ҳамкорликда мазкур китобни ўрганиш бўйича маҳаллалар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва бир қатор жамоат ташкилотларида турли тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил этиб келмоқда. Бу асар, айниқса, баркамол авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Чунки ёшларимизнинг ҳаммаси ҳам яқин ва янги тарихимизнинг тахликали даврлари ҳақида тўлиқ тасавурга эга эмас. Мазкур асар уларнинг бу борадаги тасавурларини ҳар жиҳатдан тўлдириши шубҳасиз.

Севара КОМИЛОВА, ЎзМТДП Янгийўл туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони етакчи мутахассиси:

— Мазкур асарни ўқиб шунга амин бўлдимки, бу кунлар, бу имкониятлар бизга ўз-ўзидан келмаган. Яна бир бор қалбимда истиқлолнинг, шу халқнинг фарзанди эканлигимдан фахрланиш туйғуси жўш уриб, иш фаолиятим давомийда мазкур асарни ўрганишга бағишланган тадбирларни чеклаш-лоқларда истиқомат қиладиган тенгдошларим орасида ҳам ташкиллаштиришни мақсад қилиб қўйдим. Бу китоб, айниқса, биз ёшларнинг янги тарихимиз ҳақида тўғри хулоса чиқаришимиз, ўзимизни, ўзгилгимизни англаш йўлида муҳим аҳамият касб этади.

Баҳодир ХОЛМАТОВ, ЎзМТДП Тошкент вилояти Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ходими, Шоҳида ДАМАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

● **ПАРТИЯЛАРА МУНОЗАРА**

Сайловчилар ишончига жавоб шуми?

Истиқлол йшларида юртимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш бора-сида кенг қўламли, изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг ижобий самараси ўлароқ бугунги кунда одамларнинг сиёсий оғи ва фаолиги тобора ошиб бормоқда. Жумладан, фуқароларнинг муҳим воситаси бўлган сиёсий партияларнинг қандай гоя ва мақсадларни илгари сураётгани, сайлов вақтида қандай ваъдалар бериб, уни амалга ошириш юзасидан қандай амалий саъй-ҳаракатларни олиб бораётганини ҳар бир сайловчи зийраклик билан кузатиб турибди.

назоратини олиб бориш ваколати ёхуд бурчиға эгадирлар. ЎзХДП вакиллари сайловолди дастурида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий соҳага қаратилган Давлат дастурларини амалга оширишга қўмаклашишни ваъда қилишди ва бунга ишонган сайловчилар партиядан кўрсатилган номзодларга овоз беришди. Хўш, бугунги кунда ана шундай долзарб масалаларни улар маҳаллий Кенгаш сессиялари кун тартибига қўй оlishаптими? Сайловчилар ва партия электорати олдидаги масъулиятни қанчалик ҳис этишмоқда? Ана шундай саволларга Миришкор туманидаги ХДПчилар бугун қай даражада жавоб бера оlishади?

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, туман Кенгашига ЎзХДПдан 12, ЎзЛиДеПдан 9 ва ЎзМТДПдан 5 нафар депутат сайланган. Ўтган даврда туман Кенгашининг 13 та сессияси бўлиб ўтган. Бироқ, 2011 йилда 6 марта, жорий йилда 2 маротаба ўтган йиғилишда ХДПчилар электорат манфаатини ифода этадиган ташаббуслар билан чиқишмаган. Маълумки, ижтимоий соҳа давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда бу борада қатор қонунлар ва Давлат дастурлари қабул қилинди. Соҳанинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ўзига хос стратегиясини вужудга келтирди.

Тахлиллар шунини кўрсатадики, бугунги кунда Миришкор туманида 100 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Туманда 450 дан ортиқ кам таъминланган оила бор. 2003 йилда собиқ Усмон Юсупов ва Баҳористон туманлари негизда ташкил этилган Миришкорда 24 та маҳалла фуқаролар йиғини, 12 та қишлоқ фуқаролар йиғини мавжуд. Туман иқтисоди асосан чорвачилик ва деҳқончиликка ихтисослашган. Бугунги кунда Миришкор туманида коммунал таъминот соҳасидаги хизматларни талаб даражасида деб бўлмайди. Хусусан, туманда баҳор нисба-

(Давоми. Боши 1-бетда)

● **МУНОСАБАТ**

Эътибор ва ишонч

ФАОЛИЯТИМИЗНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШГА УНДАЙДИ

носабатларни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Инчунун, Концепцияда иккита — "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оксоколи) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари га қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш таклифи қилинди. Тилга олинган биринчи қонунда "маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазибаларини янада кенгайтириш" мақсад қилинган бўлса, иккинчисида, "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш бўйича оксоколлар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланишини, фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг аҳамия-

ти ва роли оширилишини таъминлайдиган чора-тадбирлар" назарда тутилган. Президентимиз Ислон Каримовнинг жорий йил 9 июлда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнати рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони Концепция ва "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида назарда тутилган устувор мақсад ва йўналишларнинг мантйқий давомидир. Фармонда белгиланган моддий рағбат маҳалла жамоаси ва фаолларнинг аҳоли ичига янада чуқурроқ кириб бориш, таъбир жоиз бўлса, улар билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлиш, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, оилалар ҳолидан хабардор бўлиш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, миллий-маънавий кадрларини тарғиб қилиш, асраб-авайлаш, маҳаллада тинчлик, тотувлик ва барқарорликни таъминлаш учун шарт-шароит ва имконият яратади. Маҳалламизда 8100 нафар аҳоли истиқомат қилади. 2800 дан зиёд оила мавжуд. Шун-

дан 4 минг нафардан зиёдин хотин-қизлар ташкил этади. Айни пайтда иш фаолиятимиз "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ижросига қаратилган. Давлатимиз раҳбарининг ушбу фармони маҳалла аҳли, хусусан, жамоамиз кувонч билан қарши олди. Бу, аввало, бизга нисбатан бўлган ишонч, эътибор, янги вазифалар деганидир. Дарҳақиқат, бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг жамиятдаги ўрни ва нуфузи, масъулият ва вазифалари тобора кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари бизга шунчалик эътибор қаратаётган, ишонч билдираётган эканлар биз ҳам унга муносиб бўлишимиз, ана шундай эътибор ва ишончни оқлашимиз зарур бўлади. **Хурсаной РЎЗИНАЗАРОВА, Сергели туманидаги "Бобур" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ЎзМТДП аъзоси**

Ўз мухбири

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

● ДИЛ ИЗҲОРИ

Уйларимиз донга тўлди

Юртимиз йилдан-йилга обод бўлиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалиб бормоқда. Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларида ноқ қишлоқ хўжалигида туб ислохотлар амалга оширилди. Ер ҳақиқий эгаларига берилди, фермерлик ҳаракати мамлакат бўйлаб қанот ёзди.

Истиклол йилларида айниқса галлачилик соҳасида катта муваффақиятларга эришдик. Пухта яккахохимлигига чек қўйилиб, галлачилик тармоғи ривожлантирилди. Утган қисқа давр мобайнида ўзимизни эҳтиёжimizдан орттириб, четга дон экспорт қиладиган давлатлар қаторидан жой олдик. Бу ютуқларни баъзи бир рақамлар мисолига кўрсак, аниқ тасаввурга эга бўламиз. Президентимизнинг Ўзбекистон галлакорларига йўллаган табригида таъкидланганидек, 1991 йилда республикада жами 940 миң тонна галла етиштирилиб, ўртача ҳосилдорлик 17 центнерни ташкил этган бўлса, жорий йилда жамғарилган галла хирмони 7 баробардан зиёд, ҳосилдорлик эса 3 қарра ошгани бизнинг қандай юксак марраларга эришганимизни яққол тасдиқлайди.

Бугун юртимиздаги деҳқон фермерлар деҳқончилик маданиятини ўзлаштириб, ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. "Довуд Пир" ММТП ҳудудида 2000 йилдан "Хумо" фермер хўжалигини ташкил қилдик. Дастлаб 3-4 нафар ишчи бўлган бўлса, бугун 52 нафарга етди. Фермер хўжалигимиз тасарруфидида 114 гектар экин майдони бор. Шунинг 46,6 гектарига галланнинг серхосил бўлган "Краснадар" навини парваришладик. Чунки, хўжалигимиз ерлари Марказий Фарғона чўлларида жойлашган бўлиб, бу нав тўпроқ ва иқлим шароитимизга мос, ҳосилдорлиги юқори. Галлазорларнинг ҳар гектаридан ўртача 45 центнердан ошдириб ҳосил етиштирдик. Давлат режасини 110 фоизга уддаладик. 40 тоннадан ошдиқ

бугдой фермер хўжалигимиз ихтиёрида қолди. Қолган бугдой ишчи-хизматчиларга тарқатилди. Шу-да ерга эгалик ва ундан тўғри фойдаланиш натижаси, деҳқон меҳнатига бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунаси. Моддий манфаатдорлик, рағбат бор жойда ривожланиш ҳам бўлади. Бугун хўжаликда иш юритиш, жамоани иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, экин ерларидан мўл ҳосил олиш учун барча имкониятлар бор. Ерларимизнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашни, имтиёзли кредитлар, минерал ўғит, сифатли уруғлик, ёқилги-мойлаш материалларини ўз вақтида етказиб берилиши эришадиган ютуқларимизга пухта замин яратмоқда. Техникаларимиз етарли. Яқинда лизингга яна бир янги техника олишни ният қилдик. Жорий йилда галладан фойдалана қўйдик кўрдик. Кейинги йилларда кўп минтақалар табиий оғдатлар, иқлим ўзгаришлари, сиёсий қарама-қаршиликлар ва жоғролар туйфайли очарчиликдан азият чекоқда. Озиқ-овқат, нон ва нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Шўқри, юртимизда фермер ва деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва оқсоқиллик туйфайли бу йил ҳар йилгидан кўра мўл ҳосил олинди. Бу эса, халқимиз дастурхонига кут-баракат олиб келди, фаровонлигимизни янада ошдириди.

Президентимизнинг Ўзбекистон галлакорларига йўллаган табригини фермер хўжалигимиз аъзолари даврасида катта ҳаяжон ва диққат-эътибор билан тингладик. Қутловда айтилган сўзлар қалбимиз тўридан жой олди. Айниқса, табрикда Фарғона вилоятида ҳосилдорлик 58 центнерга етганини алоҳида қайд этилгани биз фарғоналик деҳқонлар кўнглини тоғдек кўтариб юборди. Дарҳақиқат, бу йил ва танимиз мустақилликнинг 21 йиллиги нишонланади. Юртимиз деҳқон ва фермерлари, дала меҳнаткашларининг 7 миллион 170 миң тонналик улкан галла хирмони ана шу кўтулғу шодиёнага муносиб тўхфадир.

Рустам ШЕРМАТОВ,
ЎзМТДПдан сайланган
халқ депутатлари
Бувайда туман Кенгаши
депутати

● БПТ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

Қуйи бўгин ва Ахборот-кутубхона

ҲАМКОРЛИГИ ЁШ АВЛОДНИ МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИККА ЕТАКЛАМОҚДА

Китоблар. Бадиий адабиёт. Сўз сеҳри, сўз қудрати... Инсониятни маънавий комиллик сари етакловчи, илму-тафаккурини бойитиб, ақлу-шуурини чархловчи бу манбаалар асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келадиган олтин меросдир.

Истиклол йилларида юртимизда кутубхоналарни замон талабларига мослаштириш, соҳани такомиллаштириш борасида эътирофли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Президентнинг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона хизмати билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори асосида мавжуд кутубхоналар жаҳон андозаларига мос тарзда жиҳозланиб, замонавий техника воситалари — электрон почта, телекоммуникация ва интернет тармоқлари орқали керакли маълумотларни узатувчи ҳамда қабул қилувчи ахборот-электрон кутубхона марказларига айлантирилди.

Жумладан, бугунги кунда Навоий вилоятида 1 та ахборот — кутубхона маркази, 49 та ахборот-ресурс маркази ва 57 та турли тармоқ кутубхона аҳолига малакали хизмат кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган Абдулла

Қодирий номидаги Навоий вилоят ахборот-кутубхона марказининг янги биноси ҳар бир фуқаро қалбига фахр-ифтихор уйғотиши шубҳасиз. Қайта реконструкция қилиниб, замон талабларига мос тарзда жиҳозланган бу зиё маскани эндиликда мутлақо бошқача қиёфа касб этди. Мазкур мўъжаз ва кўркам зиё масканида 100 ўринга мўлжалланган мажлислар зали, 50 ўринли умумий, 20 ўринли электрон-ўқув зали, 11 та бўлим ва секторда 50 нафардан ортиқ соҳа мутахассислари китобхоналарга малакали хизмат кўрсатишмоқда. Ахборот-кутубхона марказида барча имкониятлар мавжуд. Энг замонавий 36 та компьютер жамланмаси ва бошқа техника воситалари орқали китобхоналар ўзларини қизиқтирган барча маълумотларга эга бўлмоқдалар. Маълумки, кутубхоналарни автоматлаштириш ахборот тизимида кенг маънода мураккаб ташкилий-технологик ва дастурий жараён бўлиб, бу ахборот фаолияти, кутубхоначи-

● АЁЛЛАР ҚАНОТИ



Хотин-қизлар сиёсий фаоллиги

САМАРҚАНДДА УНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН РЕСПУБЛИКА СЕМИНАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маълумки, ЎзМТДП аъзоларининг 46,5 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Эътиборлиси, йилдан-йилга партиямизга аъзо бўлган аёллар сафи кенгайиб бормоқда. Бунда партиямиз томонидан хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган тарғибот ишлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, "Донлик ва ташаббускорлик - сиёсий етакчилик мезони" кўриктанловининг мунтазам ўтказилиши ва иштирокчиларнинг ҳар жиҳатдан рағбатлантирилиши уларнинг сиёсий етуқ бўлиб шаклланишига хизмат қилляпти.

Тадбирда, шунингдек, партия Сурхондарё ва Самарқанд вилояти Кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан олиб борилаётган ишлар, мазкур ҳудудий ташкилотларда тўлланган тажрибалар ҳақида ахборот берилди.

Тадбир доирасида партия "Аёллар қаноти" томонидан "Мустаҳкам оила йили"га бағишлаб ўтказилган "Мустаҳкам оила - жамият таянчи" номили мақолалар танловининг Республика бўйича гўлиб қолган ишлари ҳам тақдирланди. Унда Қорақалпоғистон тадбирларининг оғзи эмас, сифати ва таъсирчанлигига урғу берилмоқда. Ўрни келганда партиямизнинг "Аёллар қаноти" фаолиятида йўлга қўйилган аънада ҳақида ҳам алоҳида тўхталишни истардим. Жорий йилнинг май ойида барча вилоятлардаги ЎзМТДПнинг фаол аёллари Хоразм вилоятига ташриф буюришди. "Зиёрат қарвони" деб номланган ушбу тадбир доирасида қатор хайрия акциялари амалга оширилди. Бугун эса Самарқандга йилгидик. Бу каби тадбирлар "Аёллар қаноти" фаолларига

ринчи ўринга лойиқ топилди. Партия Хоразм вилоят Кенгаши вакили Муҳаббат Тўрабоева иккинчи, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорги Кенгеси депутати Марям Аҳмедова учинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, бир қатор қўшимча номинациялар, жумладан, "Энг қалами ўткир ижодкор", "Энг жонқуяр ижодкор" ва "Энг фаол ижодкор" йўналишида ҳам гўлиб қолган аёллар таърифланди. Танлов иштирокчиларига ЎзМТДП Марказий Кенгашининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбир якунида иштирокчилар Самарқанд шаҳридаги "Ҳабиба билим орзу" ўқув маркази қошида фаолият юритаётган бошланғич партия ташкилот фаолияти билан яқиндан танишиб, Самарқанднинг тарихий обидалари, муқаддас қадимжоларини зиёрат қилдилар.

Нигора НУРЛАЕВА,
ЎзМТДП Хоразм вилоят
Кенгаши етакчи
мутахассиси:

— Партиямиз томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ўтказилаётган тадбирларнинг оғзи эмас, сифати ва таъсирчанлигига урғу берилмоқда. Ўрни келганда партиямизнинг "Аёллар қаноти" фаолиятида йўлга қўйилган аънада ҳақида ҳам алоҳида тўхталишни истардим. Жорий йилнинг май ойида барча вилоятлардаги ЎзМТДПнинг фаол аёллари Хоразм вилоятига ташриф буюришди. "Зиёрат қарвони" деб номланган ушбу тадбир доирасида қатор хайрия акциялари амалга оширилди. Бугун эса Самарқандга йилгидик. Бу каби тадбирлар "Аёллар қаноти" фаолларига

ўзaro тажриба алмашиш учун муҳим аҳамият касб этади.

Барно ИСЛОМОВА,
ЎзМТДПдан Халқ
депутатлари Сирдарё
вилоят Кенгашига
сайланган депутат:

— Бугунги глобализм ва ахборот технологиялари изчил ривожланаётган шароитда фарзандларимизни ёт гоёллар, турли оқимлардан сақлайдиган энг ишончли кўрган — оила ҳисобланади. Партиямиз дастурида ҳам оила институтини шакллантириш етакчи ўринда туради. Шу боис бугунги семинар биз иштирокчилар учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Айниқса, семинар доирасида ташкил этилган "Мустаҳкам оила — жамият таянчи" номили мақолалар танлови мамлакатимизда хотин-қизлар сиёсий фаоллигини ошириш, мустаҳкам оилалар сафини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Тадбирда, шунингдек, аёлнинг оилада, фарзанд камолоти, қолаверса, жамият раванқига тутаётган ўрни тўғрисида батафсил фикрлар билдирилди.

Шаҳзода Содиқова,
ЎзМТДП Фарғона шаҳар
Кенгаши Ижроия
Кўмитаси раиси:

— Самарқандда ўтказилган тадбир бир сўз учун ҳар жиҳатдан қизиқарли ва мазмунли бўлди. Худудий партия ташкилотларидан келган ҳамкасбларимизнинг иш тажрибалари, мулоҳаза ва тақлифлари билан ўртоқлашдик. Шунингдек, кўна юртининг диққатга сазовор жойлари ва улғу аломатлари кўни топган зиёратгоҳларни кўриб, маънавий озқу олдик, де-сан хато бўлмади.

Ориф ҲОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

168 СОАТ: ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

Оилада ҳуқуқий маданият

УНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ЭЪТИБОРИДА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Оила — тарбия маскани демакдир. Айнан шу масканди ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби олий қадриятлар шаклланади, авлоддан-авлодга етказилади. Жорий йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб номланиши замирида халқ фаровонлиги, мамлакат тинчлиги, оилалар мустаҳкамлиги ва ёш авлодни комил инсон этиб тарбиялашдек эзгу мақсадлар муржаасман.

ЎзМТДП Беруний туман Кенгаши «Аёллар қаноти» томонидан "Мустаҳкам оиланинг шаклланишида ҳуқуқий маданиятнинг ўрни" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Таъкидланганидек, ЎзМТДП сайловли Платформасида шахсининг шаклланишида оиланинг роли беқийёс эканлигини ҳисобга олиб, оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш борасида аниқ мақсадга қаратилган иш олиб бориш, "Юксак маънавиятли оила орқали, юксак тараққиёт сари" деган ғояга асосланган ижтимоий-маънавий лойиҳа яратиш ва уни амалга ошириш вазифаси белгиланган. Жорий "Мустаҳкам оила йили"да ана шундай мақсад ва вазифаларни бугунги кун талаблари нуктаи назаридан кўриб чиқиш, унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, ушбу ғояни тарғиб-ташвиқ қилишга қаратилган ишларни янада кучайтириш партиянинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Тадбирда партия туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ходимлари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда ФХДЭ бўлими вакиллари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этди.

СИРДАРЁ

ЎзМТДП Сайхунобод туман Кенгаши "Аёллар қаноти" ташаббуси билан "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими Кенгаши ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими ҳамкорлигида анъанавий "Миллий тикланиш соврини учун" спортнинг шахмат-шашка турлари бўйича мусобақа ўтказилди. Унда ЎзМТДП Сирдарё вилоят ва Сайхунобод туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ходимлари, "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" фаоллари ва спортсевар ёшлар иштирок этди.

Тадбирни ЎзМТДПдан Сайхунобод туман Кенгашига сайланган депутат, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими раиси А.Фулмонов кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Мамлакатимизда спортга берилаётган юксак эътибор туйфайли бугун истиқлол фарзандлари эришаётган ютуқлар барчамизга гурур ва ифтихор бағишламоқда. Юртимизнинг ҳатто энг чекка туманларида қурилиб, фойдаланишга топширилаётган спорт иншоотлари ёшлар ихтиёрида. Партия томонидан ташкил этилаётган бундай спорт мусобақалари ҳам ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларда спортга бўлган меҳрини уйғотиб, бундай вазифаларини унумли ўқтайишлари учун кенг имконият яратиб бермоқда.

Қизгин ва муросасиз ўтган мусобақалар якунида гўлиб ва совриндорлар хомийларнинг эсдалик совғалари ҳамда ЎзМТДП Сирдарё вилоят Кенгашининг дипломлари билан тақдирландилар.

БУХОРО

ЎзМТДП Бухоро шаҳар Кенгаши ҳамда вилоят Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобининг мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда ЎзМТДП Бухоро шаҳар Кенгаши аъзолари, партия фаоллари ва Бухоро вилоят Божхона хизмати бошқармаси ходимлари, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирни ЎзМТДП Бухоро шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Ш.Рахимов кириш сўзи билан очиб, китобда яқин ўтмишимизнинг мураккаб тарихий-сиёсий босқичлари аниқ далиллар асосида акс эттирилганини таъкидлади.

— Ғоят оғир бир шароитда Давлатимиз раҳбари томонидан халқимиз қалбига асрий орзу - истиқлол ғояси улкан жасорат билан илгари сурилиб, уни амалга ошириш учун тарихий қадамлар қўйилгани китобнинг асосий мавзусини ташкил этади, - деди ЎзМТДП Бухоро шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси етакчи мутахассиси Х.Шарипов. — Китобдан ўрин олган тарихий ҳужжатлар, нутқ ва маърузалар бугунги ва эртанги кунимиз учун ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш биз партия фаолларининг вазифаси саналади. Мазкур асар халқимизнинг сиёсий тафаккур ҳазинасига қўшилган бебаҳо ҳисса бўлиб, мамлакатимизнинг истиқлол тарихини ўрганиш ва англашда беқийёс тарихий аҳамият касб этади.

Тадбирда иштирок этган ёшлар истиқлол моҳияти ва унинг қадри нечоғли буюк эканлиги тўғрисида етарли маълумотга эга бўлдилар.

ФАРҒОНА

ЎзМТДП Ўзбекистон тумани Кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан "Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва роли" мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда ЎзМТДП партия туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси аъзолари, "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" етакчилари, халқ депутатлари вилоят, туман Кенгашигаги ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда маънавият тарғибот маркази туман бўлими ходимлари иштирок этди.

Тадбирда ЎзМТДП Ўзбекистон туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Ҳ.Сайитқулова хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва роли тўғрисида сўз юритиб, мамлакатимизда хотин-қизлар манфаатлари ҳимояси, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида катта имкониятлар берилаётганини алоҳида таъкидлади. Жумладан, хотин-қизлар ишлаб чиқариш, илм-фан, тадбиркорлик, хунармандчилик, спорт, санъат ва бошқа соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритаётганини эътироф этди.

Таъкидланганидек, мустақиллик хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш, оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш имконини берди. Бугун ўзбек аёли зиммасига миллий, шарқона маънавиятни сақлаб қолиш ва уни янада юксак даражада, замонавий тарзда давом эттириш масъулияти юкланаётгани хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак ишонч намунаси.

Ийгилишда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий салоҳиятини янада кучайтириш учун ўтказилаётган турли тадбирлар, давра суҳбатлари жараёнида миллий қадрият ва анъаналарга эътибор қаратиш лозимлиги айтиб ўтилди.

Шоҳида МИРЗАЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

● ДЕПУТАТЛИК ГУРУХИ

Ижтимоий-сиёсий жараёнлар

ФАОЛЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Натيجида жамият ҳаётининг барча жабҳалари, хусусан, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳалар жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Бу жараёнларда сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этишга интиломоқда.

лардаги сиёсий партия гуруҳлари иш фаолиятини шакллантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари мавзусида маъруза қилди. Нотиқ, жамият ҳаётида рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар жараёнида депутатлик гуруҳларининг партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, ЎзМТДПнинг ғоя ва дастурий мақсадлари тарғибот-ташвиқотини ташкил қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

— ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда юртимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида сайловчиларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш, халқимизнинг миллий қадрият, анъана ва урф-одатлари, бой маънавий меросини асраб-авайлаш, уларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга дахлдорлик туйғусини тарбиялашга кўмаклашиш борасида қатор тарғибот тадбирлари, давра суҳбати ва ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Шунингдек, партия халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашлари депутатлари фаолиятини жонлантириш юзасидан ҳам қатор сайё-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Бугунги семинарда ҳам халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари, шаҳар ва туман Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, «Аёллар қаноти», «Ёшлар қаноти» ва бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Хоразм вилоят ҳудудий бўлини ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Семинарда сўзга чиққан ФЖШМҚМИ Хоразм вилоят ҳудудий бўлини ҳамда раҳбари Илбёк Абдуллаев мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, парламент палаталари кўшма мажлисида тақдим этилган Концепцияда илгари сурилган устувор вазифалар ижросини таъминлашда сиёсий партияларнинг ўрни ва улар томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида атрафлича маълумот берди.

Тадбирда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва фракцияси аъзоси Жуманазар Отажонов «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш-



Юртимизда кечаётган сиёсий жараёнлар, ислохотлар, айниқса, 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» да белгиланган вазифа, ғоя ва мақсадлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш сиёсий партиялар, хусусан, маҳаллий кенгаш депутатларидан катта масъулият, фаоллик ва ташаббускорликни талаб этади.

● МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

Жамоатчилик назорати

МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФА

тини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳияти, «Юксак маънавият — энгилмас куч» ғояси — давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганлигига қаратилган.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда инсоннинг фаровон яшashi учун барча қулай шароитлар яратилаётган бир даврда ҳар бир фуқаронинг мамлакатимиз барқарор тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши, доимо бунёдкорлик ва яратувчанлик кайфияти билан яшashi, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишга асосланган ҳаёт тарзини шакллантириш, муҳим масалалардан биридри. Қолаверса, аҳоли мурожаатларига эътибор қаратиш ва шу орқали мавжуд муаммоларни ўз вақтида бартараф этишга кўмаклашиш жойлардаги маҳаллий Кенгашлар ва унинг доимий комиссиялари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки ҳаётий масала ва муаммолар ечимини вақтда илгаш, умумий гаплардан онгига етказишга қаратилган турли учрашув, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Энг муҳими, депутатларимиз одамларни инсонийлик ва фуқаролик позицияси нуктаи назардан ўз фаолиятини фаол йўлга қўйишга ундовчи кучга айланишга ҳаракат қилишмоқда. Бунда асосий эътибор, мамлакатимизда фуқаролик жамия-

лик жамиятини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган сайё-ҳаракатларнинг аҳамиятини кенг жамоатчиликка атрафлича таъминлаш электорат таъминоти билан бўлиб ўтадиган учрашувларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этмоқда. Фуқаролар мурожаатларига эътибор қаратиш, айниқса, уларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, оилалиқ фаровонлиги ва мус-

ларини ана шу хунармандларга бириктириб қўйди. Шу билан бирга ҳудудимизда оилавий тадбиркорлик жуда ҳам истиқболли эканлиги, бизнес юритишнинг ушбу шаклини ривожлантириш учун барча шарт-шароит ва имкониятлар мавжудлиги доимо таъкидланади. Бунда яқинда кучга кирган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» ги Ўзбекистон Республи-

биркорлик ва унинг ҳуқуқий асослари ҳақида аҳолига тушунтириш олиб борилди. Маҳалладаги 746 та оиладан 218 таси ёш оила ҳисобланади. Жорий «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида илгари сурилган мақсад ва вазифалар ҳақида ҳам атрафлича маълумотлар бериб ўтилди. Бундай тадбир ва учрашувларда жойлардаги муаммо ва камчиликлар, уларни бартараф этиш ҳақида маҳалла аҳолиси билан олиб борилаётган.

Юртимизда сиёсий партиялар учун яратилаётган кенг имкониятлар зиммамизга партия дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасидан ке-

Сирдарё шаҳарчасидаги «Дўстлик» маҳалласида 3615 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бу маҳаллада 15 нафардан ошиқ хунарманд бўлиб, темирчилик, ёғоч ўймакорлиги, сангтарошиқ, косибчилик, каштачилик, тикувчилик билан шуғулланишади. Маҳалладаги 28 та кам таъминланган оила фарзандларини ана шу хунармандларга бириктириб қўйди.

тахкамлигига қаратилган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, ана шундай тадбирлардан бири Сирдарё шаҳарчасидаги «Дўстлик» маҳалласида ўтказилди. Мазкур маҳаллада 3615 нафар аҳоли истиқомат қилиб, шундан 1005 та оила мавжуд. 1735 нафарни аёллар ташкил этади. Бу маҳаллада 15 нафардан ошиқ хунарманд бўлиб, темирчилик, ёғоч ўймакорлиги, сангтарошиқ, косибчилик, каштачилик, тикувчилик билан шуғулланишади. Маҳалладаги 28 та кам таъминланган оила фарзанд-

каси Қонуни муҳим ҳуқуқий асос вазифасини бажармоқда. Маълумки, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» ги Қонунда тадбиркорлик субъектларининг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлган оилавий тадбиркорлик ва оилавий корхонанинг ўзига хос хусусиятлари ифодасини топган. Унга мувофиқ оилавий корхона оила яшаб турган туқурида фаолият юритиши ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни шу жойнинг ўзида сотиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, «2-Ешлик» маҳалласида бўлиб ўтган тадбирда, оилавий тад-

либ чиққан ҳолда электорат манфаатлари ва Давлат дастурида ижросини таъминлаш борасида жамоатчилик назоратини олиб бориш каби масъулиятли вазифани юклатмоқда. Бу депутатлардан фидойилликни талаб этади. Биз, айниқса, ана шу борада ишончли йўқотмаслигимиз, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга астойдил бел бугуламимиз лозим.

Барно ИСЛОМОВА,
ЎзМТДП дан сайланган халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши депутати

● ҚУЙИ БЎГИНЛАРДА

Бахтли оила

ЖАМИЯТНИНГ МУСТАҲҚАМ ТАЯНЧИ

Оила — муқаддас даргоҳ. Ўзбек халқи азал-азалдан оила мустаҳкамлиги ва фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келган. Негаки, оила бахти, унинг тинч-тотувлиги шкки томонлама самимийлик ва меҳр-оқибатда жамулжам. Оилада ўзини бахтли ҳисоблаган — жамиятда ҳам бахтлидир.

Баҳодир БОБОЖОНОВ,
ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси, халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши депутати:

— Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда депутатлик гуруҳлари фаоллигини ошириш олдимизда турган долзарб вазифа саналади. Бу борада ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши томонидан партия депутатлик гуруҳларининг бошланғич партия ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, уларнинг сиёсий билим ва кўникмаларини юксалтириш мақсадида турли давра суҳбати ва ўқув-семинарлар ўтказилмоқда. Бундан ташқари парламент палаталари кўшма мажлисида эълон қилинган Концепция партия мақсад ва ғояларидан келиб чиққан ҳолда жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиш, қонуналар ва Давлат дастурларининг жойлардаги ижросини ўрганиш борасида депутатлик гуруҳларининг амалий ишларини кучайтиришга эътибор қаратилмоқда. Мазкур семинар ҳам депутатлар фаоллиги ва ташаббускорлигини оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Умид ИСМОИЛОВ,
ЎзМТДП Кўшкўпир туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати:

— Маъруза семинар-тренинг воситасида партия халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолиятини кучайтириш, иш самардорлигини ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга доир зарур тавсиялар олдик. Тренинг давомида орттирган билим ва кўникмаларимиз келгуси фаолиятимизда қўл келиши шубҳасиз. Жумладан, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ҳудуддаги тарихий қадимжо, зиёратгоҳларни ободонлаштириш, туризмни ривожлантириш борасида бир қатор ғоя ва лойиҳалар ишлаб чиқиб, келгуси туман Кенгаши сессияларига таклиф киритишни мўлжалладик.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

Ўтган 2011-2012 ўқув йилида коллеж қошидаги Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси бошланғич партия ташкилотлари партия электоратининг ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларни фойдали меҳнатга жалб этиш, уларнинг маданий дам олиши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши, тўй-ҳашамларни кўнгилли ўтказиш каби тадбирларни ташкил этишга бош-қош бўлмоқда.

Касб-хунар коллежимизда 191 нафар педагог бўлиб, шундан 21 нафари ЎзМТДП аъзоси ҳисобланади. Ўтган ўқув йилида 235 нафар йигит-қиз ЭҲМ, механиклик, ҳайдовчилик, молия каби саккиз йўналиш бўйича ўзлари танлаган мутахассисликка эга бўлишди. Ўқувчилар ўртасида соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш, жисмоний, интеллектуал ҳамда маънавий

Давлат дастурида кўзда тутилган мақсадларни ўзида ифода этган ана шу шиор остидаги вилоят биринчилиги учун касб-хунар коллежларидан бўлган бахслар уюшқоқлик билан ўтказилиб, энг саралари иштирок этишди. Қизилқали бахсларга бой бўлган тадбирда жамоамиз оила вакиллари ҳам мurosасиз кураш олиб боришди. Оила саломатлигига алоҳида эътибор қаратиб келинаётганлиги тўғрисида спортчиларимиз мусобақаларда фаол иштирок этишди. Жумладан, юғурти, акробатика элементлари, тўпни нишонга отиш каби дастлабки шартлардан сўнг «Чакқонлик ва мерганлик» эстафетаси, «Моҳир ҳужумчи», «Овчилар ва қуёнлар» ўйинлари ҳамда кўпкураш мусобақалари қизгин тус олдирилди. Таҳрибали педагог Мунира Тошмирова, унинг турмуш ўртоғи Жўрабек Холмуминов ва кизи Ирода вилоят босқичида биринчилиқни қўлга киритиб, республика оилавий спартакиада-сида эса фахрли учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди. Олий тоифали педагог Бахтиёр Миллаев, турмуш ўртоғи Санобар, қизлари Умида ва Гавҳарбонулар ҳам қизгин бахсларга бой бўлган вилоят босқичи спартакиадасида фаол иштирок этишди. Шунингдек, педагоглардан Алижон Халанов ва Мустафо Хайитов, ўқувчилардан Салима Саъдуллаева, Элёр Норпўлатов, Дилноза Уролова кабилар ҳам ўқув йили давомида турли спорт мусобақаларида гўлиб бўлишди.

Жамоа ўртасида репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, тиббий маданият ва савдохонлик даражасини оширишга қаратилган кенг қўламли тарғибот ишларини амалга ошириш режалари ишлаб чиқилиб, унинг ижроси бир дам ҳам сусайтирилмади. «Мустаҳкам оила — мустаҳкам жамият», «Оила — меҳр булоғи» ва «Маънавият — оиладан бошлади» кўрик-танловлари,

дуктив саломатлик маркази раҳбари Гулчеҳра Қамчиева, шаҳар саломатлик маркази раҳбари Дилбар Жамолова, врач-онколог Фарид Муродова ҳамда «Жиззахлик» маҳалласи фаоллари қизларнинг баалоғатга етмасдан турмушга чиқмаслиги, Оила кодекси, оила психологияси ва соғлом оилани шакллантириш бўйича маслаҳатлар бериб, йиғилганларнинг қизқирган саволларига жавоб қайтаришди. Жа-

БПТ ташаббуси билан ўқув даргоҳимизда соғлом турмуш тарзини юритиш ва мустаҳкамлаш, оилани шакллантириш бўйича «Саломатлик бурчаги» ташкил этилган бўлиб, мунтазам зарур информацион материаллар билан таъминлаб бойитилмоқда. Жорий «Мустаҳкам оила йили»га бағишлаб «Соғлом оила — соғлом фарзанд» шиори остида бир неча бор спартакиадалар ўтказилди.

«Ёшлар ва оила», «Оила — бахт кўргони», «Оила — муқаддас даргоҳ» каби мавзулардаги кеча ва эрталиклар ана шулар жумбара қисмидир. «Сиз оила қуришга тайёрмисиз?» кўрик-танлов-вида ёшлар тўрт йўналиш бўйича фикр алмашдилар. Оила ва тиббий маданият ҳақида баҳс юритдилар.

Қисқаси, биргина ўтган ўқув йили давомида 60 га яқин давра суҳбатлари, 30 дан ортиқ учрашув ва мулоқотлар ўтказилди. Унда Жиззах шаҳар 1-оилавий таъбахтаона репро-

моамиз педагогларидан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзолари Барно Тўйчибоева, Шоира Зарипова, Ирода Уролова каби ёш оилаларнинг ҳаёт йўли ибрат қилиб кўрсатилди.

Наргиза АБДУРАҲМОНОВА,
Жиззах шаҳар транспорт ва алоқа касб-хунар коллежи директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари,
ЎзМТДП етакчиси

ЖАРАЁН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот

Архив — ўтмишда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар, жараёнлар, иш бошқарувлари, инсонлар шажараси ҳақидаги маълумотларнинг инъикосидир. Архив инсонларга керакли бўлган қимматбаҳо маълумотларни ҳеч қандай қийинчиликсиз тақдим эта олади. Ҳозирги пайтда ташкилот, идора, муассаса, юридик шахс ёки оддий инсон ҳаётини архивсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис, мустақиллик даврида архив иши билан боғлиқ фаолиятнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди, уни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар белгиланди.

Иш юритиш — бу ташкилотларда юз берадиган ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни тегишли ҳужжатларда акс эттириб, уларни тартиб билан сақлаб қўйишдир. Иш юритишнинг асосини ҳужжатлар ташкил этади. Ташкилотнинг мулкчилик шакли қандай бўлишидан қатъий назар ишлаб чиқариш ва ҳўжалик фаолиятини ҳужжатларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, шунинг учун ҳар бир корхонанинг ўз фаолиятига хос ҳужжатлари мавжуд бўлади.

Ҳужжатлар мавзу, мазмун, шакли ва ҳажман хилма-хил, мақсади, йўналиши ва бошқа бир қатор сифатларга эга бўлади. Йирик ҳужжатшунослардан бири шундай таъкидлайди: "Бошқарув соҳасидаги камчиликларнинг асосий сабаблари



Таълим даргоҳи имкониятлари

ЕТУК МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ ОМИЛИ

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда таълим тизимида катта ислоҳотлар қилинди. Соҳа ривожини йўлда ишлаб чиқилган давлат дастурлари бу борада қутулган самара ва натижаларни бермоқда.

Камина кўп йиллик педагогик фаолиятим давомида шуни англадимки, истиқлол йилларидагина мамлакатимизда таълим-тарбия масаласига алоҳида эътибор ва масъулият билан ёндашилди. Хусусан, таълим тизимининг моддий-техник базаси тубдан яшиланди. Жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари бунёд этилди. Бундай кўркем ва шинам, замонавий техникалар билан жиҳозланган ўқув масканлари нафақат ёшларга, балки биз мураббийларга ҳам рағбат беради.

Бизнинг Чироқчи энгил-саноат коллежи 2009 йилда фаолият бошлаган. Ҳозирда билим юртимизда 6 йўналиш бўйича 733 нафар ўқувчи-ёшлар касб-ҳунар сирларини ўрганишмоқда. Уларга 61 нафар ўқитувчи-педагог ҳамда таълим фидоилари сабоқ бери келади. Коллежда жами 23 та ўқув, химия, физика, био-

● ФАОЛИЯТ

Иш юритишнинг асоси

ЁХУД АРХИВ ДАВРНИНГ СОЛНОМАСИДИР

ридан бири айна соҳа ходимларининг кўпчилигида назарий ва амалий тайёргарликнинг бўлигидир, улар муассаса ва ташкилотларда қабул қилинган ҳужжатлар билан ишлаш йўриқлари, усуллари ва йўллари мажмуасини етарли даражада билмайдилар". Баъзан ҳужжатларга жиддий муносабатда бўлимайди, унга шунчаки бир қоғозбозлик, кераксиз ёки ортиқча бир иш сифатида қаралади. Мақбул ва оқилна ташкил этилган ҳужжатчилик ҳар қандай идорадаги иш юритишнинг асоси эканлигини бугунги бозор шароити даврида исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Бирон-бир ташкилот фаолиятини бугунги кунда ҳужжатларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Мазмунан, ҳажман ва шаклан хилма-хил бўлган ҳужжатлар катта-ю кичик меҳнат жамоаларининг, кишилик жамиятининг узлуksиз фаолиятини тартибга солиб туради. Зеро, ҳужжатлар кишилик жамияти шаклланиши билан боғлиқ жараён бўлиб, ана шу жамият аъзолари муносабатларидаги муҳим ҳолатлар, воқеалар ва маълумотларни мунтазам қайд этиб бориш эҳтиёжи асосида вужудга келган. Ана шу эҳтиёж маҳсули сифатида илк, ибтидоий ҳужжатлар юзага келган. Албатта, кишилик жамиятининг тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий тузумларнинг алмашина бориши, аникроғи, кишилар ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар-


нинг такомиллаша бориши баробарида ҳужжатлар ҳам такомил топиб борган. Маълумки, ҳар қандай ҳужжат муайян аҳборотни у ёки бу тарзда йўндалаш учун хизмат қилади.

Муайян турдаги ҳужжат, албатта, ўзига ҳо хусусият ва сифатлар билан белгиланади. Бу хусусият ва сифатларни ҳар тарафлама ва чуқур тасаввур қилмасдан туриб, мукаммал ҳужжатчиликни бунёд этиб бўлмайди. Шунинг учун бу ўринда ҳужжатлар таснифи масаласи алоҳида аҳамият касб этади.

Биз техника асрида ашаъямиз. Ҳозир иқтисодиётнинг барча соҳаларига компьютерлар ва ахборот-коммуникация технологиялари кириб келган. Архив хизматида мана шундай техник воситаларнинг кенг тарзда қўлланиши энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Архивлардаги ҳужжатларнинг электрон базаларини яратиш, уларни электрон шаклга ўтказиш архив иши самарасини янада оширади.

Архивларда сақланаётган ҳужжатлар инсоннинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳамда моддий аҳолини белгилашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олган ҳолда уларни яхши сақлаш ҳар бир ходимнинг юксак бурчидир.

Дилноза ҲАМИДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви бош архивчиси



тириш масаласига жиддий эътибор қаратмоғимиз лозим.

Ёшларни маънавиятли, ақли расо ва баркамол қилиб воғга етказишимизда маънавий-маърифий тадбирларнинг ўрни катта. Шу боис, коллежимизда ўқувчиларнинг сиёсий билимини ҳар жиҳатдан ўсишига қўмаклашиб келаётган ЎзМТДП Чироқчи туман Кенгаши Ижроия кўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда турли кўринишдаги давра суҳбатлари, тадбир ва учрашувлар ташкил этиб келинади. Шу боис бўлса керак туман ва вилоятда ўтказилиб келинаётган турли тадбир ва кўриктанловларда коллежимиз фахрли ўринларни эгаллаб келади. Яқиндагина бўлиб ўтган "Миллий кадрлар" кўриктанловининг туман босқичида коллежимиз жамоаси биринчи ўринни олди. Бу ҳам бўлса таълим даргоҳидаги ўқувчи ва ўқитувчилар жамоасининг жонқуярлиги туфайлидир.

Ботир ШИРИНОВ,
Чироқчи энгил саноат касб-ҳунар коллежи директори ўринбосари

2012 йил 17 июлда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида жорий йилнинг I ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари муҳокама қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2012 йил 19 январда республика Ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2012 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлашга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисида мамлакатни ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, шунингдек, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширилишини тезлаштириш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш ҳамда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш чора-тадбирлари самарадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди ва батафсил таҳлил қилинди.

Қайд этилдики, жаҳон иқтисодиётида инқирозли ҳодисалар кучаяётгани ва унинг ўсиш суръатлари секинлашганига қарамай, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини жадал ривожлантириш ва модернизациялаш комплекс дастурлари тизими ва исчилик амалга оширилиши туфайли Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари, макроиқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш таъминланмоқда. Жорий йилнинг I ярим йиллигида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,1 фоиз, саноат маҳсулотлари ички маҳсулотнинг ҳажми — 7,7 фоизни, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми — 7,1 фоизни, қурилиш ишлари ҳажми — 8,6 фоизни ташкил этди. Давлат бюджетга ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорда профит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлардан ортқ бўлмади.

Ички талабни мувозанатли рағбатлантириш чора-тадбирлари амалга оширилишини давом эттириш ҳамда маҳаллий товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиларни ривожлантиришнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш истеъмол товарларидан тўланадиган йилгилар миқдорини камида икки мартага камайтириш ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқишни таъминлаш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Мажлисида 2012 йилги Инвестиция дастури, ишлаб чиқаришнинг модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни жадаллаштириш бўйича тармоқ ва комплекс дастурлар бажарилиши, шунингдек, ушбу мақсадлар учун жалб этилган хорижий инвестицияларни, энг аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштиришнинг муфассал кўриб чиқилди. 2012 йилнинг I ярим йиллигида фаол инвестиция сиёсати амалга оширилиши туфайли ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг 7,6 фоизга кўпайтириш таъминлангани ва 531 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилгани қайд этилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар тузилмасида тўғридан-тўғри инвестициялар салмоқли ўрин тутди, уларнинг улуши 80 фоиздан ортқичи ташкил этди.

Вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, корхоналар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари эътибори ишлаб

чиқаришларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ижтимоий соҳа объектиларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрилиши зарурлиги қаратилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг рағбатлантириш кучайтириш, экспорт тузилмасини янада диверсификациялаш ва ташқи сотиш бозорларини кенгайтириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар натижасида экспорт 18,8 фоизга ўсиш таъминлангани ва ташқи савдо айланмасида салмоқли ижобий салдоғга эришилгани қайд этилди.

«Ўзқурилишматериаллари» ва «Ўзвинсаноат-холдинг» компаниялари, «Ўзфармсаноат» концерни, Озёк-овкат саноат корхоналари уюшмаси, Андижон, Самарқанд, Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари раҳбарларига идора-вий мансуб ва худудий корхоналар раҳбарларининг тегишли тармоқ ва худудлардаги экспортга эътибор берилгани махсулотлар ҳажминини ошириш ва турларини кенгайтиришнинг мавжуд захираларини тўлиқ сафарбар этиш бўйича шахсий масъулиятини ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, корхоналар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари эътибори ишлаб

● ЁШЛАР МИНБАРИ

Бугунги кунда ёшларнинг маънавияти, уларнинг дунёқарашини шакллантириш, турли ёт таъсирлар оқимига тушиб қолмаслигини таъминлаш устувор вазифалардан саналади. Айниқса, ҳозирги шиддаткор даврда ёш авлод тарбияси масаласига жиддий эътибор қаратмоқ лозим.

Жамиятнинг таянчи ва энг катта кучи, сўзсиз — ёшлардир. Уларнинг бугунги ҳаётимизга бўлган муносабати мамлакатнинг тугган ўрнини белгилаб беради. Етуқ, заковатли ва иқтидорли ёшларга эга юрт эса узлуksиз тараққиётга эришади.

Мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган ишлар, турли тадбирларнинг фойдали жиҳати ҳам ана шунда. Улардан ўзига ҳулоса чиқарилган ҳар бир ёш нафақат ўзи учун мустақам пойдевор қуради, балки мамлакат тараққиётга ўз улушини қўша оладиган шахслар қаторидан жой олади. Бу каби тарғибот ишларининг кўпайиши ва худудий жиҳатдан кенгайиши жуда муҳим. Зеро, бундай мафқуравий кўникмалар юртимиз-

нинг чукўр таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Охириги ёки йилда иқтисодиётни янада эркинлаштириш, энг кўп қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорлик субъектларига қўшимча имтиёз ва преференцияларнинг кенг рўйхатини тақдим этиш бўйича қўрилган аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар мамлакат бизнес муҳитида ижобий ўзгаришларни таъминлаганлиги қайд этилди. Бу мамлакатда ва унинг худудларида ишбилармонлик муҳити индекс яхшиланишида, амалда иқтисодиётнинг барча кўрсаткичи ва соҳаларида кичик бизнеснинг аҳамияти ва улуши исчи ўсиб боришида ўз аксини топмоқда.

Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ун-энг қулай шарт-шароитларни шакллантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлда қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботлари, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида белгиланган чора-тадбирларнинг муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидлаб ўтилиб, унда хусусан бир қатор давлат статистика, молия, солиқ ва бошқа турдаги ҳисоботларни ҳамда уларнинг даврийлигини қисқартириш, шунингдек, 80 та рухсат бериш тартиб-таомилларини ва 15 та фаолият турларини лицензиялашни бекор қилиш кўзда тутилган.

Тегишли вазирлик ва идоралар олдида Ўзбекистон Республикаси Президентининг мақзур фармонидаги норма ва талабларни сўзсиз амалга оширилишини, икки ой мuddатда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга доир лицензия ва рухсат беришга оид ҳужжатлар олишга тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланадиган йилгилар миқдорини камида икки мартага камайтириш ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқишни таъминлаш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Мажлисида 2012 йилги Инвестиция дастури, ишлаб чиқаришнинг модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни жадаллаштириш бўйича тармоқ ва комплекс дастурлар бажарилиши, шунингдек, ушбу мақсадлар учун жалб этилган хорижий инвестицияларни, энг аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштиришнинг муфассал кўриб чиқилди. 2012 йилнинг I ярим йиллигида фаол инвестиция сиёсати амалга оширилиши туфайли ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг 7,6 фоизга кўпайтириш таъминлангани ва 531 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилгани қайд этилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар тузилмасида тўғридан-тўғри инвестициялар салмоқли ўрин тутди, уларнинг улуши 80 фоиздан ортқичи ташкил этди.

Вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, корхоналар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари эътибори ишлаб

чиқаришларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ижтимоий соҳа объектиларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрилиши зарурлиги қаратилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг рағбатлантириш кучайтириш, экспорт тузилмасини янада диверсификациялаш ва ташқи сотиш бозорларини кенгайтириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар натижасида экспорт 18,8 фоизга ўсиш таъминлангани ва ташқи савдо айланмасида салмоқли ижобий салдоғга эришилгани қайд этилди.

«Ўзқурилишматериаллари» ва «Ўзвинсаноат-холдинг» компаниялари, «Ўзфармсаноат» концерни, Озёк-овкат саноат корхоналари уюшмаси, Андижон, Самарқанд, Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари раҳбарларига идора-вий мансуб ва худудий корхоналар раҳбарларининг тегишли тармоқ ва худудлардаги экспортга эътибор берилгани махсулотлар ҳажминини ошириш ва турларини кенгайтиришнинг мавжуд захираларини тўлиқ сафарбар этиш бўйича шахсий масъулиятини ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, корхоналар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари эътибори ишлаб

● ЁШЛАР МИНБАРИ

Бугунги кунда ёшларнинг маънавияти, уларнинг дунёқарашини шакллантириш, турли ёт таъсирлар оқимига тушиб қолмаслигини таъминлаш устувор вазифалардан саналади. Айниқса, ҳозирги шиддаткор даврда ёш авлод тарбияси масаласига жиддий эътибор қаратмоқ лозим.

Жамиятнинг таянчи ва энг катта кучи, сўзсиз — ёшлардир. Уларнинг бугунги ҳаётимизга бўлган муносабати мамлакатнинг тугган ўрнини белгилаб беради. Етуқ, заковатли ва иқтидорли ёшларга эга юрт эса узлуksиз тараққиётга эришади.

Мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган ишлар, турли тадбирларнинг фойдали жиҳати ҳам ана шунда. Улардан ўзига ҳулоса чиқарилган ҳар бир ёш нафақат ўзи учун мустақам пойдевор қуради, балки мамлакат тараққиётга ўз улушини қўша оладиган шахслар қаторидан жой олади. Бу каби тарғибот ишларининг кўпайиши ва худудий жиҳатдан кенгайиши жуда муҳим. Зеро, бундай мафқуравий кўникмалар юртимиз-

нинг чукўр таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Охириги ёки йилда иқтисодиётни янада эркинлаштириш, энг кўп қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорлик субъектларига қўшимча имтиёз ва преференцияларнинг кенг рўйхатини тақдим этиш бўйича қўрилган аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар мамлакат бизнес муҳитида ижобий ўзгаришларни таъминлаганлиги қайд этилди. Бу мамлакатда ва унинг худудларида ишбилармонлик муҳити индекс яхшиланишида, амалда иқтисодиётнинг барча кўрсаткичи ва соҳаларида кичик бизнеснинг аҳамияти ва улуши исчи ўсиб боришида ўз аксини топмоқда.

Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ун-энг қулай шарт-шароитларни шакллантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлда қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботлари, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида белгиланган чора-тадбирларнинг муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидлаб ўтилиб, унда хусусан бир қатор давлат статистика, молия, солиқ ва бошқа турдаги ҳисоботларни ҳамда уларнинг даврийлигини қисқартириш, шунингдек, 80 та рухсат бериш тартиб-таомилларини ва 15 та фаолият турларини лицензиялашни бекор қилиш кўзда тутилган.

Тегишли вазирлик ва идоралар олдида Ўзбекистон Республикаси Президентининг мақзур фармонидаги норма ва талабларни сўзсиз амалга оширилишини, икки ой мuddатда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга доир лицензия ва рухсат беришга оид ҳужжатлар олишга тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланадиган йилгилар миқдорини камида икки мартага камайтириш ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқишни таъминлаш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Мажлисида 2012 йилги Инвестиция дастури, ишлаб чиқаришнинг модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни жадаллаштириш бўйича тармоқ ва комплекс дастурлар бажарилиши, шунингдек, ушбу мақсадлар учун жалб этилган хорижий инвестицияларни, энг аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштиришнинг муфассал кўриб чиқилди. 2012 йилнинг I ярим йиллигида фаол инвестиция сиёсати амалга оширилиши туфайли ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг 7,6 фоизга кўпайтириш таъминлангани ва 531 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилгани қайд этилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар тузилмасида тўғридан-тўғри инвестициялар салмоқли ўрин тутди, уларнинг улуши 80 фоиздан ортқичи ташкил этди.

Вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, корхоналар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари эътибори ишлаб

чиқаришларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ижтимоий соҳа объектиларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрилиши зарурлиги қаратилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг рағбатлантириш кучайтириш, экспорт тузилмасини янада диверсификациялаш ва ташқи сотиш бозорларини кенгайтириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар натижасида экспорт 18,8 фоизга ўсиш таъминлангани ва ташқи савдо айланмасида салмоқли ижобий салдоғга эришилгани қайд этилди.

«Ўзқурилишматериаллари» ва «Ўзвинсаноат-холдинг» компаниялари, «Ўзфармсаноат» концерни, Озёк-овкат саноат корхоналари уюшмаси, Андижон, Самарқанд, Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари раҳбарларига идора-вий мансуб ва худудий корхоналар раҳбарларининг тегишли тармоқ ва худудлардаги экспортга эътибор берилгани махсулотлар ҳажминини ошириш ва турларини кенгайтиришнинг мавжуд захираларини тўлиқ сафарбар этиш бўйича шахсий масъулиятини ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, корхоналар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари эътибори ишлаб

● ЁШЛАР МИНБАРИ

Бугунги кунда ёшларнинг маънавияти, уларнинг дунёқарашини шакллантириш, турли ёт таъсирлар оқимига тушиб қолмаслигини таъминлаш устувор вазифалардан саналади. Айниқса, ҳозирги шиддаткор даврда ёш авлод тарбияси масаласига жиддий эътибор қаратмоқ лозим.

Жамиятнинг таянчи ва энг катта кучи, сўзсиз — ёшлардир. Уларнинг бугунги ҳаётимизга бўлган муносабати мамлакатнинг тугган ўрнини белгилаб беради. Етуқ, заковатли ва иқтидорли ёшларга эга юрт эса узлуksиз тараққиётга эришади.

Мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган ишлар, турли тадбирларнинг фойдали жиҳати ҳам ана шунда. Улардан ўзига ҳулоса чиқарилган ҳар бир ёш нафақат ўзи учун мустақам пойдевор қуради, балки мамлакат тараққиётга ўз улушини қўша оладиган шахслар қаторидан жой олади. Бу каби тарғибот ишларининг кўпайиши ва худудий жиҳатдан кенгайиши жуда муҳим. Зеро, бундай мафқуравий кўникмалар юртимиз-

тадан ортиги ёки 68 фоизга яқини қишлоқ жойларда ташкил этилгани қайд этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари олдида биринчи навбатда ташкил этиладиган иш ўринлари сонини кўпайтириш ва уларнинг сақланишини таъминлаш ҳисобига аҳолининг иш билан бандлиги ва даромадларини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан шу йил 15 июнда халқ депутатлари Сўрхондарё вилояти Кенгаши сессиясида белгилаб берилган вазифаларга мувофиқ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўрта муассаса, касб-ҳунар таълими маркази, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича касб-ҳунар коллежлари, уларнинг ўқувчилари ва корхоналар ўрта-сидда тузилган уч томонлама шарт-номалар сўзсиз бажарилиши учун назоратни кучайтириш топширилди. Шунингдек 9-синф битирувчиларини, айниқса қизларни касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш бўйича тўлиқ қамраб олинишни таъминлаш чора-тадбирларига эътибор қаратилди.

Мажлисида иқтисодиёт тармоқларини, ишлаб чиқариш инфратузилмасини, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектиларини бўлажақ кўз-қиш даврига тайёрлаш ишларини ташкил этиш ҳар томонлама кўриб чиқилди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектилари ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини кўз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш чора-тадбирларининг бутун комплекси ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, «Ўзбекэнерго», «Ўзтрансгаз» компаниялари, шунингдек, бошқа идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва ташкилотларнинг раҳбарлари шахсан жавобгар эканликлари алоҳида таъкидланди. Улар олдида уй-жойлар, идоравий мансуб корхона ва ташкилотлар, шу жумладан ижтимоий аҳамиятдаги объектиларга исосиклик ва энергияни тежовчи технологияларни кенгроқ жорий этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Шунингдек, мева-сабзавот омборхоналари ва совуштиш камералари тармоғини кенгайтириш ва модернизация қилишни жадаллаштириш, кўз-қиш даврида аҳоли ва ижтимоий соҳа муассасаларини қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг асосий турлари билан қаролантириш таъминлаш учун уларни зарур ҳажмда тайёрлаш ва гамлашни ташкил этиш чора-тадбирлари белгиланди.


Кўн тартибдаги масалалар бўйича республикадаги вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика Ҳукумати мажлисида киритилган масалаларни муҳокама қилиш яқунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2012 йилги мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга оширишни сўзсиз таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

● БИЗНИНГ ШАРҲ

“Тинч” океани нотинч

БУЮК ОКЕАН ТУБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЕЗЛАШМОҚДА



Дунё олимлари Тинч океани тубида яқин келажакда жиддий ўзгаришлар бўлиши мумкин, деган фикрни илгари суришди. Маълумотларга кўра, океанинг литосфера қатламида рўй бераётган жараёнларни кузатиш натижасида сўнгги етти миллион йил ичида бу қатлам иккига бўлингани аниқланган. Маълумотларга қараганда, Тинч океани тубида уни икки қисмга бўладиган тизма ҳосил бўлган.

1513 йил испаниялик тадқиқотчи Фернандо Магеллан Ер шарини айланб чиқаётган, дунёдаги энг катта океани тинч ва ҳеч қандай қийинчиликларсиз босиб ўтади ҳамда унга Тинч океани, деб ном берилди. Не ажабки, жуғрофик жиҳатдан қолган барча океанлар ичида айнан Тинч океани энг нотинч ҳисобланади. Доимий тропик довул ва тайфунлар Тинч океанига ҳосидир. Шунингдек, унинг шимолий қисмида сув сатҳининг кўтарилиши ҳар ярим соатда кузатилиб, шамоллар таъсирида энг кучли тўқинлар вужудга келади. Океан тубининг рельефи ҳар хил, вулқон ҳаракатлари кучли, тез-тез тизилар кузатилади.

Буюк океан — дунё океанининг бир қисми, катталиги ва чуқурлиги жиҳатидан сайёрамизда биринчи ўринда туради. Тинч океанининг ҳақон ҳўжалигида тутган ўрни бениҳоя катта. Океанлардан овланаётган денгиз маҳсулотлари ва баликларнинг 60 фоизи шу океанга тўри келади. Мутахассисларнинг фикрича, Тинч океани тубининг иккига бўлиниши ҳудуд экологияси, жуғрофиясига таъсир кўрсатади, шунингдек, ҳудуд би-

лан боғлиқ барча келишув ва битимлар ҳам ўзгариши мумкин.

Маълумотларга кўра, мазкур океанда 120 дан ортқ нефть ва нефть-газ конлари тадқиқ қилинаётган бўлиб, шундан 70 фоизи ишга туширилган. Аммо тошкўмирга бой Бруней, Таиланд, Малайзия, Индонезия қирғоқлари, рутининг ҳақон бўйича энг йирик конлари Тинч океанида Австралиянинг шарқий ва жанубий шарқий қирғоқларида, титан-магнетитли кўмлар эса Япония атрофида жойлашган.

Океандан фойдаланиш ёки ҳавзаларда балик овлаш бўйича бир нечта халқаро конвенциялар тузилган. Модомки, бешинчи океан пайдо бўлаётган экан, бу борадаги ҳужжат ва келишувларни ўзгартиришга тўғри келади. Мазкур ҳудуддан энг кўп нефть, ёғоч материаллар, металл рудаси, озик-овқат маҳсулотлари ташилди. Бу юклар ҳажми ва уларнинг ўсиш суръати бўйича Тинч океани иккинчи ўринда туради. Транспорти йўллари эса АҚШ ва Канада портларини Япония портлари билан боғлайди. Америка-Австралия йўналишида ҳам катта

ҳажмда юклар ортилган кемалар қатнайди.

Кузатувчиларнинг фикрича, мазкур океанга барча денгиз ва океанларга нисбатан кўлланадиган халқаро ҳужжатлар таътиб этилади. Хусусан, Халқаро кит овлаш комиссияси 40 даража жанубда ва 130 даража ғарбда кит овлашни таъқиқлаш эҳтимолдан холи эмас. Аммо Япония ҳукумати аввалдан мазкур битимни тан олмаслигини маълум қилиб, ўз фаолиятини илмий тадқиқот мақсадлари учун амалга ошираганини билдириб келади. Кўплаб давлатлар мазкур минтақада 1959 йилги Антарктида тўғрисидаги Конвенцияга биноан ҳудудда минерал ресурсларни қидириб топилш ишларини олиб бормайди.

Олимлар қадимдан океанларни кўп тадқиқ этишган. XVIII асрда улар томонидан дунё океани фақат 3 га ажратилган. Булар - Тинч, Атлантика ва Ҳинд океанлари бўлиб, XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб Арктика ҳавзаси, синчиклаб текширилган, 4 та алоҳида океан - Тинч, Атлантика, Ҳинд ва

● **Тинч океани ғарбдан Евросиё ва Австралия, шарқдан шимолий ва жанубий Америка, шимолдан Чукотка ва Сьюард ярим ороллари ўртасидаги йўлак, жанубдан Антарктида билан чегарадош. Майдон денгизлар билан бирга 178,6 млн. км.², денгизларсиз 148,3 млн. км.², энг чуқур жойи 11022 м.**

● **Олимлар томонидан таъкидланаётган бешинчи океан Жанубий океан (ёки Антарктида океани) катталиги бўйича Ер юзидеги тўртинчи океан бўлиб, бутун Антарктида материгини ўраб туради.**

● **Маълумотларга кўра, 1959 йилги Антарктида тўғрисида ҳамда 1982 йилги Халқаро денгиз конвенцияларида ҳам Жанубий минтақа сув ҳудудлари мақоми тўғрисида сўз юритилган.**

● **Кишда ҳарорат -60 даражагача совиб кетадиган Жанубий океанда катта нефть ва газ манбалари борлиги тахмин қилинган.**

Шимолий муз океанлари фанга ҳам киритилган. Маълумотларга кўра, ушбу океанлар Ер юзасининг тахминан 71 фоизини эгаллайди.

Олимлар Тинч океанининг ўрғаниш даврини унга бўлишади. Аммо уларда буюк океанининг қачондир иккига бўлиниши ҳақида маълумотлар деярли учрамайди. Фақатгина 1650 йилда голланд географи Б.Варениус дунё океанини 5 та алоҳида қисмга бўлган. Унинг гоёсига кўра, сайёрамиз Тинч, Атлантика, Ҳинд, Шимолий муз ва Жанубий муз океанларига бўлинади. Бу фикрни 1845 йилда Лондон география жамаиати ҳам тасдиқлаган. Утган асрларда олимлар томонидан океанлар бештага бўлиниш гоёси илгари сурилган бўлса, бугунги кунда ушбу жараён табиий равишда ҳосил бўлмоқда. Зеро, сайёрамизда иқлим ўзгариб, Шимолий муз ва мислсиз Арктика музликларининг эриб бораётгани Ер юзидеги навбатдаги йирик океанинг пайдо бўлишига сабаб бўлаётди.

2000 йилда Жанубий океан ҳақидаги илк расмий маълумотлар Гидрография халқаро ташкилати конференциясида Атлантика, Ҳинд ва Тинч океанларини ажратиб турувчи сув ҳудуди доирасида янги Жанубий океан атамаси киритилган. Мутахассисларнинг фикрича, бунга сабаб Антарктик циркумполяр оқимларни умумлаштириш ва мавжуд сув чегараларини аниқ белгилашдан иборат эди. Ушундан Антарктидада тадқиқот ишлари олиб борувчи аксарият мамлакатлар янги океан тушунчасига қарши овоз бериб, уни дунё океанининг жанубий қисми, деб ҳисоблашларини билдиришган. Австралия олимлари эса Жанубий океанга Антарктида билан Австралия ва Янги Зеландия орасидаги жанубий қирғоқларни ҳам киритади. Тасмания ва Жанубий Австралия қирғоқ хариталари Жанубий океанининг денгиз ҳудудлари, деб қайд этилган. Шарқий Европа олимлари Жанубий океан чегараларини Шимолий Муз океани, хусусан, Антарктик сув оқимларининг шимолий чегараси билан белгилашади. Бир сўз билан айтганда, Жанубий Океан, Жанубий Муз Океани — бу Антарктика қитъасини ўраб турувчи ва Дунё океани жанубий 60 даражали чегарасини ифодаловчи сув демакдир.

Жануб океанининг энг катта чегараси шимолий ҳудуд бўлиб, у бир йўла Атлантика, Ҳинд ва Тинч океанларини бирлаштириб туради. Океан денгиз музлари ҳисобидан “бойиб” боради, бошқача айтганда, унга ҳеч қандай манба кўйилмайди. Маълумотларда қайд этилишича, Жанубий океан геологик жиҳатдан энг ёш океан бўлиб, бундан қарийб 30 миллион йил олдин Жанубий Америка ва Антарктика бир-бирдан ажралган, бу океан ривожлана борган. Аҳамиятли томони шундаки, шаклланиш жараёни Антарктик циркумполяр оқимлари туфайли ҳали-ҳамон давом этмоқда.

Жанубий Океан кўп томонлирга кўра Шимолий Муз океанига қарама-қарши. Жумладан, Шимолий Муз океани Шимолий ярим шарда жойлашган бўлса, буниси Жанубий ярим шар океанидир. Иккинчидан, Жанубий Океани Антарктика қитъа ўраб турган бўлса, Шимолий Муз Океани Евросиё ва Шимолий Америка материклари билан ўралган. Аммо уларнинг бир-бирига ўхшаш жиҳатлари бор - бу ҳар икки океанда ҳам йирик айсберглар бўлиб, океанда исталган вақтда исталган жойда учраши мумкин. Кўп айсберглар кемалар учун доимий хавфдир. Шунингдек, қаттиқ шамол ва бўронлар бу океанда ҳамма фаслда давом этади.

Океанинг инсоният ҳаётидаги роли шиддат билан ўсиб бораётган. Қадимдан дунё мамлакатлари иқтисодиётининг турли соҳаларида океандан фойдаланиб келади. Хусусан, кемалар қатнови, балик овлаш, океан ресурсларидан рационал фойдаланиш, сувни чуқулаштириш, шунингдек, денгизларни муҳофаза қилиш ва ифлосланишининг олдини олиш каби иқтисодий, сўсий ва ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ. Шу жиҳатдан табиий ресурсларга бой, Тинч океанининг “уқаси” бўлган Жанубга кўз тикаётганлар, ундан имкон даражада кўпроқ имтиёзлар олишга ҳаракат қилаётганлар ҳам бор. Ҳозирча фақат табиатнинг нима “қарор”га келишини кутиш қолди, холос.

Бехбуд БОТИРОВ,
“Milliy tiklanish”
шарҳловчиси

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Маълумот

Автомобиллар қайтарилди

АҚШнинг “Форд мотор” корпорацияси мамлакат бўйлаб 2012 йили ишлаб чиқарилган 150 мингта “Форд Фокус” русумли автомобилларини қайтариб олишини маълум қилган.

Маълумотларга кўра, мазкур машиналарнинг электромотор изоляциясида техник носозлик аниқланган. АҚШ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси маълумотларига қараганда, мамлакатда Италиянинг “Фиат” концерни томонидан бошқариладиган “Крайслер” автомобиль компанияси ҳам “Жип Пэтриот” ва “Жип Компас” русумли қарийб икки мингта машинани қайтариб олиш режалаштирилган. Мутахассисларнинг фикрича, бундай русумдаги автомобиллар клапанларида аниқланган техник носозликлар ёнилгининг сизиб чиқиши ва автомобилнинг ёниб кетишига олиб келиши мумкин.



Янги тартиб

Ҳайдовчиларда алкотестер бўлсин

Францияда ҳайдовчилар учун янги қонун жорий этилди.

Унга кўра, мамлакатдаги барча юк ва энгил автомобиллар, шунингдек, мотоцикллар ҳайдовчилари ўзлари билан алкотестер мосламасини олиб юриши шарт. Маълумотларга қараганда, бу қоида нафақат Франция фуқароларига, балки ушбу мамлакат ҳудудида автомобиль бошқарётган ҳар қандай чет эллик фуқарога ҳам тааллуқли. Спиртли ичимлик истеъмол қилганини аниқлайдиган ушбу мосламани ўзи билан бирга олиб юрмайдиган ҳайдовчига 11 евро миқдорда жарима солинади. Соҳа вакиллари айтишича, ушбу лойиҳа мастлик оқибатида келиб чиқадиган автомобиль ҳалокатларининг олдини олишга хизмат қилади. Хабарларга кўра, мазкур қонун жорий йилнинг ноябрь ойидан бошлаб кучга киради.



Статистика

Аҳоли Африкада ўсмоқда

Ҳозир сайёрамиз аҳолиси сони етти миллиард эллик етти миллиондан ошган.

Ҳақон аҳолишунослик жамғармаси таъридан маълумотларга кўра, дунё аҳолиси сони ҳар йили саксон миллионга кўпайиб бормоқда. Мутахассисларнинг фикрича, аҳоли сони, айниқса, Африка мамлакатларида шиддат билан ўсаётди. Мазкур қитъадаги аҳоли сони кейинги юз йилда 3,5 миллиардга етиши мумкин. Сайёрамиз аҳолиси эса 2050 йилгача 9,2 миллиардга етиши тахмин қилинган.



Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

● РАНГИН ДУНЁ

Танзания шарқий Африкада жойлашган. Шимолда Кения ва Уганда, ғарбда Руанда, Брунди ва Конго Демократик Республикаси, жанубда Замбия, Малави ва Мозамбик билан чегарадош. Шарқий чегарасини Ҳинд океани юшиб туради. “Танзания” номи мамлакатни ташкил этган икки ўлка - Танганика ва Занзибар номларидан олинган. Иккита пойтахти бор. Доруссалом шаҳри тарихий пойтахти, Додома ҳукумат идоралари жойлашган маъмурий пойтахт ҳисобланади.

ТАБИАТИ ВА ИҚЛИМИ

Мамлакат ҳудудининг асосий қисмини ясситогликлар эгаллаган. Ҳинд уммони соҳили бўйлаб пасттекстикликлар чўзилган. Бу ерда Африка қитъасининг энг катта сув ҳавзалари - шимолда Виктория, ғарбда Танганика, жанубда Ньяса кўли бор. Иқлими - субэкваториал. Шимолда икки марта (март-май, сентябрь-ноябрь), жанубда бир марта (ноябрь-апрель) ёмғир мавсуми кузатилади. Танзанияга тегишли ороллarning иклими зах, серёғин. Кунлик ўртача ҳарорат 28-30 даража, уммондан энгил шабада эсиб туради. Уммон сувининг ўртача ҳарорати 24-26 даража илиқ.


ТАРИХИ

Ҳозирги Танзания ҳудудида илгари Африканинг қадим тубжой аҳолиси бушмен ва готтенотлар яшаган. Милоддан олдин биринчи асрда бу ерга Ҳабашистон тоғлиқларидан кушит қабилалари кўчиб келган. Милодий аср бошида эса банту қабилалари келиб ўрнашишган. Биринчи мингйиллик ўрталарида мамлакат ҳудудида форс, араб ва Ҳинд савдогарлари қадами етган ва кейинчалик улар ҳам шу ерда қолиш-

ган. Ана шу даврда янги бир курама элат — суахили пайдо бўла бошлаган. Суахилилар халқаро савдо билан шугулланиб, бошқа ўлкаларга фил суяги, олтин элиб, хунармадчилик буюмлари, матолар ва озик-овқат маҳсулотлари олиб келишган. XVI аср ўрталарида Танзания чегараларига португаллар қадам қўяди. 1505 йили улар деярли барча порт шаҳарларини эгаллайди, бироқ XVII аср иккинчи ярмида араблар ва занжилар босқинчиларни юрталаридан қўшиб чиқаришади. Шундан кейин бу ҳудудда шамдза, чагга, хехе, хайя, нямвезе қабилаларининг Кимвери давлати ва бошқа кичик қабилаларий бошқарув бирикмалари юзага келади. XIX аср ўрталарида эса Танзанияга кўплаб европалик савдогар ва миссионерлар келишади.

1885 йили немис генерал-губернатори Карл Петерс ўн киши нафар қабилла бошлиғи билан учрашиб, уларни Германияга бўйсунушга кўндиради. 1888 йили эса Занзибар султонидан мамлакатнинг соҳилбўйи қисмини эллик йилга ижарага олади. 1890 йили Занзибар султони инглизларга бўйсунуш ҳақидаги розилик битимини

Кўш пойтахтли давлат



Танзания Бирлашган Республикаси. Пойтахти: Додома шаҳри. Майдони: 945203 кв.км. Аҳолиси: 43 миллиондан зиёд.

имзолайди. 1891 йили Карл Петерс Германия Шимолий Африкаси мустамлака империяси тузилганини эълон қилади. Немислар бу ерда каучук, қахва, пахта ва сизал етиштириш бошлайди. 1902 йили эса темир йўл қуришади. 1905-1907 йиллари босқинчиларга қарши кўтарилган Мажи-Мажи кўзғолони бостирилади. 1914 йили Биринчи жаҳон уруши бошлангани билан Танзания ҳарбий ҳаракатлар синови майдонига айлан-тирилади. Германия душманлари — Британия, Бельгия ва Португалиянинг мустамлака ўлкаларига юриш қилади. Бу ҳолат 1918 йилгача - Антанта билан тинчлик шартномаси имзолангунча давом этади. Урушдан сўнг Танзания Британия васийлигига ўтади. Инглиз-

лар плантация сиёсатини давом эттириб, экин майдонларини кенгайтиради. Британия 1961 йил 9 декабрда Танганикага, 1963 йил 10 декабрда Занзибарга мустақиллик беришга мажбур бўлади. 1964 йил 12 январда Занзибар халқи кўзғолон кўтариб, султонни тахтдан ағдаради ва шу йилнинг 26 апрелида икки мамлакат қўшилиб, Танзания Бирлашган Республикаси ташкил топгани эълон қилинади. 1967 йили Танзания Африка Миллий Бирлашмаси ҳудудда коммунизм қуришга киришади, бироқ бу ислохот ўзини оқламайди, аҳолининг кескин норозилиги сабаб бўлади. Мамлакатда 1970 йилдан 1995 йилгача бирпартияли бошқарув ҳукм сурди. Ҳозир кўппартиявийликка

асосланган демократик бошқарув йўли танланган.

ИҚТИСОДИ

Танзания дунёнинг қашшоқ мамлакатларидан бири. Иқтисоди қишлоқ ҳўжалигига асосланган, ишчиларнинг саксон фоизга яқини шу жаҳзада меҳнат қилади. Ялпи ички маҳсулотнинг йигирма етти фоизи қишлоқ ҳўжалигига тўғри келади. Қахва, сизал, чой, пахта, тамаки, маккажўҳори, бугдой, банан етиштирилади. Қорамол, қўй ва эчки боқилади. Ялпи ички маҳсулотнинг йигирма уч фоизи саноат маҳсулотлари. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, олмос, олтин, темир рудаси ва туз қазиб олиш, пойабзал ишлаб чиқариш саноатининг асосий тар-

моқларидир. Танзания Африка, Кариб ҳавзаси ва Тинч уммони ҳудуди мамлакатлари халқаро ташкилоти аъзоси. Асосан Ҳиндистон, Хитой, Япония, Жанубий Африка Республикаси, Кения, Нидерландия, Германия ва Бирлашган Араб Амирликлари каби мамлакатлар билан савдо қилади.

АҲОЛИСИ

Аҳолининг саксон фоизга яқини қишлоқларда яшайди. Бир юз йигирмага яқин миллион вакиллари бор. Улар орасида сукума, нямвези, жагга, нгонде, хая, хехе, бена ва маконделар кўпчиликни ташкил этади. Этник гуруҳларнинг асосий қисми банту халқлари гуруҳига мансуб. Аҳолининг ўртача кўпайиши йилга икки фоиз.

ДИҚҚАТГА САЗОВОР ЖОЙЛАРИ

Мамлакатнинг қадимги пойтахти Доруссалом шаҳри турли меъморий ечимга эга обидаларга ниҳоятда бой. Айниқса, Султон Маждид саройи (XIX асрда), Соат минор, Аскар монументи, христиан-католик черковлари, Дархона-Жамоат-хона, Иббоди, Мемон, Сунни, Ахмадия масжидлари шаҳар кўрмига кўрк қўшиб туради. Шунингдек, Доруссалом археологик ва антропологик коллекцияларни ўзида жамлаган Миллий музей, Танзания қишлоқлари музейи, Ньюмба-я-Сана бадий галереяси, Ботаника боғи билан ҳам дунёга машҳур.

Океан қирғоқлари ва Виктория кўли оралиғида жойлашган Додома 1973 йилдан буён мамлакатнинг маъмурий пойтахти ҳисобланади. Эски қишлоқ ўрнида барпо бўлган шаҳар-

нинг диққатга сазовор жойлари жуда кам. Бу ерда асосан Миллий мажлис ва ҳукумат идоралари, бозор ва бир нечта ибодатхоналар бор, холос. Бирок, Додома атрофини ажиб ва хушманзара Свагасвага, Нкунгунеро, Руди, Ман-Мейд-Мтера-Дам табиат қўриқхоналари ҳамда Миомбо ўрмони ўраб туради.

Занзибар - “орол-қўриқхона” континентал соҳилдан 40 км. жанубда жойлашган. Бу жойни кўпчилик “зирворлар ороли” деб ҳам билади. Ҳинд океанидаги бу орол азал-азалдан савдо-сотик маркази бўлиб келган. Орол ҳудудига кирувчи ерларнинг деярли тенг ярмига турли хил зирвор ўсимликлар экилади. Оролнинг қолган қисмини тропик ўсимлик ва саванналар эгаллаган. Турли йилларда қурилган меъморий обидалардан ташқари, Занзибарда кўришга аризулик маданий масканлар ҳам бор. Булар: Занзибар миллий музейи, Фародхони боғи ва инглиз консуллагининг эски биноси, Крик-роуддаги кичик табиий фанлар музейи, Саид Султон сарой-музейи ҳамда Ога-Хон маданий марказидир. Бундан ташқари, шаҳардаги энг катта мева бозори (1904) ҳамда Дала-Дала автовокзали сайёҳларга Занзибар ҳақида янада кўпроқ маълумот бера олади. Шунга қарамай, Занзибарга асосан денгизда дам олишни хуш кўрувчи сайёҳлар кўпроқ келади. Чунки орол минтақа бўйича дайвинг ва снорклинг маркази саналади. Шунданми, оролда дам олиш жойлари, пляж ва балик овлаш учун мўлжалланган жойлар жуда кўп.

Зафар МУҲАММАД

Энг донишманд устоз ким деб сўрасангиз, камроқ бахшлашадигани, деб жавоб берардим.

Инсон осмону фалакдан келадиган кулфатлардан бир илож қилиб қўтилиб қолиши мумкин. Аммо, инсон ўзини-ўзи рўбарў қиладиган кулфатлардан омон қолишининг сира иложи йўқ.

РИВОЯТ

Илмнинг хосияти

Кунлардан бир кун илм талаб шоғирд устозидан сўради:
— Устоз, илмнинг не бир хосияти бордир?
Устоз шоғирдининг саволига шундай жавоб берди:
— Болам, илмнинг хосияти кўпдир. Энг аввало, илмдан элга наф юқади. У илм эгасини ҳақ ва камолотга етказиши. Илм шундай бойлики, уни сендан ҳеч ким тортиб ололмайди. У доимо йўлинг-ни нурафшон қилади, толеининг эса сарбаланд этади. Шу боис, мудом илм изла ва бу йўлда бир дақиқа бўлса-да ғайрат-шижоатингни сўндирма.

БИЛАСИЗМИ?

Олимларнинг ҳисоблашича, сўнгги 500 йил ичида фазовий жисмларнинг тушиши ҳисобига Ер 1 миллиард тоннага оғирлашган.

Атиги 1 томчи нефть 25 литр сувни истеъмолга яроқсиз ҳолатга келтиради.

ТУРФА ОЛАМ

Сузадиган орол

АВСТРИЯЛИК ГАБОР ОРСОС ЛОЙИХАЛАШТИРГАН КЕМА ОРОЛ УСТИГА ҚУРИЛГАН ҲАШАМАТЛИ УЙГА ҲУШАЙДИ.

Уй сув бўйлаб исталган тарафга қараб ҳаракатланиши мумкин. Шу билан бирга у бир вақтнинг ўзида 12 нафар меҳмонни қабул қила олади. Орол ўз двигателига эга эмас. Аммо у исталган жойда лангар ташлаши мумкин. Мутахассислар ушбу гоёни амалга ошириш учун салкам 40 миллион доллар сарфлашишини ҳисоблаб чиқиди. Кема айни пайтда Германияда ишлаб чиқарилиш арасида турибди. У келаси йилдаёқ жамоатчилик эътиборига ҳавола этилиши кутилмоқда.



Ичимлик фаввораси

ЛАХТИ (ФИНЛЯНДИЯ) ШАХРИДА ТУРЛИ КЎРИНИШ ВА ШАКЛ-ШАМОЙИЛГА ЭГА ФАВВОРАЛАР ҲАМ ҲАМОН ҚУРИЛДИ.

Дизайнерлар томонидан шаҳарда учта ана шундай фавворалар ўрнатилди. Улардан энг биринчиси "Дарахт шох" — шаҳар порти яқинида, кейингиси "Томчи" кўринишидаги фаввора Лау-не оилавий дам олиш боғидан, ва ниҳоят учинчиси "Турна" кудуғи шаҳардаги энг гавжум бозор майдонидан жой эгаллади. Ичимлик суви оқадиган ушбу фаввораларнинг бари аҳоли томонидан безатилган. Шу кунгача бу ваби фавворалар мамлакат пойтахти Хельсинки, шунингдек, Эспо, Ванта ва Каунаинен шаҳарларига ҳам ўрнатилган.

Гилдиракли музлатгич

АМЕРИКАЛИК ҲАВАСКОРЛАР НООДАТИЙ ТРАНСПОРТ ВОСИТАСINI КАШФ ЭТИШДИ.

«Кул мастер» дея ном олган музлатгичнинг юриш қисмида олти гилдиракли мавжуд. Шунга яраша унинг ҳаракатланиши даражаси ҳам юқори. Бундай музлатгични турган жойида исталган тарафга бериш мумкин. Қолаверса, автоматик лифт билан жиҳозланган қурилма ичимликларни ҳўжайинга битталаб узата олади. Унинг ичида керакли ҳарорат сақланиши учун махсус резина клапан мавжуд. Ҳозирча, ушбу техника мўъжизаси радиопульт ёрдамида бошқарилади.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Зунунова Зулфия Нигмановнага уйда яшаш ҳуқуқини берувчи 6.06.2011 йилда берилган № 10-01/23648 давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

НИГОҲ

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

Тошкент — энг гўзал шаҳар

Economist Intelligence Unit аналитик компанияси ва BuzzData тадқиқот фирмасининг янги рейтингига кўра, Тошкент дунёдаги энг гўзал шаҳарлар қаторига киритилди.

Компания томонидан ўтказилган рейтинг натижаларига кўра, Тошкент дунёнинг 140 та энг кўркам ва обод шаҳарлари орасида 58-ўринни эгаллаган. Марказий Осиё бўйича эса бу рўйхатга киритилган ягона шаҳардир. Энг яхши шаҳарлар рейтингининг биринчи ўнликига Гонконг, Амстердам, Осака, Париж, Сидней, Стокгольм, Берлин, Торонто, Мюнхен ва Токио шаҳарлари киритилди. Янги рейтингдан жой олган шаҳарлар бир нечта талаблар асосида танлаб олинган.

“Бахт уйи”

Пойтахтдаги Киночилар уйида “Мустаҳкам оила йили” муносабати билан маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тошкент вилояти касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда “Ўзбекино” миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда касабаси уюшмалари ходимлари, актёрлар, мутахассислар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Тадбирда “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгиланган вазибаларнинг ижроси, оиланинг жамиятдаги ўрни ва маънавий мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар атрофида муҳокама қилинди. Йилдан-йилга “Илк фильм” киностудияси томонидан суратга олинган “Бахт уйи” (реж. А.Бектурдиев) фильми намойиш этилди.

Дипломлар топширилди

Тошкент вилояти Ўрта-чирик туманидаги Ижтимоий иқтисодиёт касб-хунар коллежида беш ўз етмиш нафардан зиёд битирувчига диплом топширилди.

Маросимда ўқитувчи ва ўқувчилар, жамоатчилик вакиллари ҳамда ота-оналар иштирок этишди. Тантанали диплом топшириш маросимида сўзга чиққанлар коллежда ўқувчилар учун яратилган шарт-шароит ва имкониятларни фахр билан тилга олди. “Янги юлдузлар” ижодий гуруҳининг куй-қўшиқлари йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди.

“Туркистон-пресс”

ИСТЕЪДОД

Эътиборда гап кўп

Пойдевори мустаҳкам оилаларда тарбия олиб, вояга етаётган фарзандларнинг келажиги ҳам мустаҳкам бўлади. Уларнинг камолдан кўзингиз қувонади, ютуқларидан кўксингиз тоғ қадар юксалади. Чунки юрт фарзандлари шу заминнинг гуллаб-яшнаши учун масъул. Фарзандларимиз мана шундай улкан ва шарафли масъулиятни ҳис қилиб улғайишида, албатта, оилада ота-онанинг ўрни беқийс.

Спорт соҳасида юқори марраларга эришадиган самарқандлик Нуриносо Мирзаеванинг ютуқларида ҳам оиласининг мадади муҳим ўрин тутди. Оила бошлиғи Шомурод ака Мирзаев ҳалол меҳнати билан олти нафар фарзандни вояга етказди. Оила бекаси Норбиби опа Назарова ажойиб рафиқа, меҳрибон она бўлиш билан бирга олий тоифали фельдшер-шифокор ҳам. У киши нафақага чиққан бўлса-да, куну тун эл хизматида. Иштихон тумани Шайхислом кишлоғидаги бу файзга оила бағрида униб-ўсайётган фарзандларнинг кенжаси Нуриносо ёшлигидан спортга ошно бўлиб улғайди. У 5-6 ёшларидан кураш билан шуғуллана бошлади. Ота-онаси ҳам Нуриносонинг қизиқишини сўндирмай қўллаб туришди. Кишлоқ мактабининг жисмоний тарбия ўқитувчиси Жўракул Тожиёв Нуриносога устозлик қилиб, кураш сирларини ўргата бошлади. Ҳали мактаб ёшига етмасиданоқ спортчи номини олган Нуриносо ўқувчилик даврида турли мусобақаларда иштирок этиб, мактаб жамоасининг фахрига айланди.

ИЛК ГАЛАБАЛАР НАШИДАСИ

Вақт ўтиб ўқишни Иштихон тиббиёт коллежида давом эттира бошлаган қахрамонимиз туман марказига келгач, спорт

билан янада жиддий шуғуллана бошлади. У энди каратэ ва армрестлинг — кўл жанги спорт турларида ўзини кўрсатишга уринди. Тиниб-тинчимас қизининг бу уринишлари зое кетмади. Каратэ бўйича устози Матлуба Одилова, армрестлинг бўйича мураббийи Султон акадан ўрганган билими икки йўналишда ҳам улкан марраларни эгаллашига замин бўлди. 2010 йилдан бошлаб Нуриносо каратэ бўйича бўлиб ўтган туман ва вилоят мусобақаларида қатнаша бошлади. Шу йили 28 мартда “Ояма Киокушинкай-кан” каратэ-до болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон очик чемпионатида 50 кг вазнада 2-ўринга сазовор бўлди. 2010 йил 4 апрелда Самарқанд вилоят “Ояма Киокушинкай-кан” каратэ-до спорт клуби томонидан ёшларнинг гиёҳвандликка қарши курашига бағишлаб ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги дўстлик учрашувида 1-ўрин, “Баркамол авлод йили” муносабати билан ташкил қилинган дўстлик учрашувида эса 2-ўринга лойиқ топилди.

Нуриносодаги спортга бўлган иштиёқ ва маҳоратни кўрган коллеж ўқитувчиси Меҳриддин Пардаев уни армрестлингга куч синашишга ундади. Нуриносо ушбу спорт тури билан ҳам жиддий шуғулланиб, тез орада мусобақаларда қат-

наша бошлади. 2011 йил 25-27 март кунлари Навоий вилоятида ўсмирлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида 50 кг вазн доирасида учинчи ўринга эга бўлиб қайтди. Орадан кўп ўтмай 15-17 апрелда эса Ўзбекистон Республикаси Армрестлинг Федерациясининг армрестлинг бўйича катталар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида қатнашиб, ун қўл 50 кг. вазнда биринчиликни қўлга киритди.

НУРИНОСО — ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА!

Нуриносо нафақат вилоят ва республика мусобақаларида, балки жорий йилги Осиё чемпионатида ҳам иштирок этиш бахтига муяссар бўлди. 27-29 апрел кунлари Тошкентда бўлиб ўтган аёллар ўртасида XI Осиё чемпионатида 55 кг. вазнда 14 та Осиё давлатлари вакиллари ўртасида учинчи ўринни қўлга киритди. Ёш спортчи учун бу катта ютуқ, албатта. Аммо унга эришиш осон кечмагани аниқ.

— Ушбу Осиё чемпионатида қатнашиб бахтига мушарраф бўлганимдан жуда хурсанд эдим, - дейди Нуриносо мусобақадаги иштирокини эслаб. Аммо турли давлатлардан келган рақибларимни кўриб роса ҳаяжонландим. Яхшиямки, онам менга далда бўлиб турди. Уларнинг айтганлари мени янада руҳлантириб, ўзимга бўлган ишончим янаям ортди. Галаба сари астойдил интилиб, юртимиз шарафини ҳимоя қилишга, албатта, галаба қозонишга бор куч-шижоатим билан ҳаракат қилдим.

Бундай ҳаяжонли дамларда фарзандининг ёнида турган меҳрибон она кўнгил кечинма-



лари билан ҳам ўртоқлашдик.

— Қизим ҳаяжонлангани сари мен ундан-да кўпроқ ҳаяжонланардим. Лекин унга далда бўлишим, қўллаб-қувватлаб туришим кераклигини тушуниб ўзини қўлга олдим. Мендаги ишонч қизимга ҳам ўтди, шекли галаба қозонди. Биз оиламизга ёруғ юз билан қайтдик. Ушанда Нуриносога бу галабан нафақат сен ёки оиламизнинг, балки бутун юртимизнинг, халқимизнинг галабаси, деб айтган эдим.

Ҳа, эътибор — катта ютуқ бор дегани. Айниқса, спорт соҳасида спортчиға кўрсатилган эътибор ва яратиб берилган имконият улкан марралар сари қўйилган ишончли қадамдир. Давлат томонидан берилган имконият билан бирга ота-оналар ҳам ўз ўрнида фарзандларининг қизиқишларини эътибордан четда қолдиришмас, Нуриносо каби қўллаб истеъдодли ёшларимиз юртимиз байроғини ҳали кўп бор кўкка кўтаражак. Тиниб-тинчимас қахрамонимизга эса бу йўлда фақат зафарлар кучишини соғиниб қоламиз.

Муҳтарам КОМИЛОВА, “Milliy tiklanish” муҳбири

манзур бўлди. Фолиблар маъмурият томонидан совға-саломлар билан тақдирланди. Оромгоҳда чиқарилаётган “Гулхан” деворий газетаси дам олувчиларнинг кундалик ҳаётини мунтазам ёритиб бормоқда. Ўқувчилардан Олим Ҳазраткулов ва Гулчехра Расулова унинг ўқишли ва безакли қиқишида ўз хиссаларини қўшиб келмоқда. Болажонларнинг “Эртақлар оламига саёҳат” мавзусида чизган ранг-баранг суратлари, моҳир қўллар тўғараги аъзолари томонидан тайёрланган “Биз кичик усталаримиз” стенди кишини беихтиёр хайратлантиради. Кўчма кутубхона ҳам дам олувчилар ихтиёрида. Ётоқхоналар озода ва батартиб.

— Бу йилги ёз мавсумида вилоятимиз бўйича шаҳардан ташқарида жойлашган 13 та оромгоҳда 3800 нафар, 42 та кундузги оромгоҳда эса 4210 нафар, мактаблар ва мактабгача бўлган муассасалар қошида 85000 нафар, ота-оналари билан биргаликда 1240 нафар болаларнинг кўнгилли ҳордик чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, - дейди вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Аъзам Ихтиёров. — Шунингдек, оромгоҳларда бизнинг меҳмонларимиз — қорақалпоғистонлик ўқувчилар ва “Меҳрибонлик” уйи тарбияланувчилари ҳам мароқли дам олишмоқда. Оромгоҳларда олиб борилаётган ҳар бир тадбир болалар дунёқарашини бойитиш, ижодий қобилиятини шакллантириш ва уларнинг маънавий камол топишида ёрдам берувчи асосий тарбия воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Абдулла САИДОВ, Жиззах вилояти

МАВСУМ



Кундузги оромгоҳлар

БОЛАЛАРНИ ЧОРЛАМОҚДА

Бу йилги мавсумда Жиззах вилоятининг бир қатор кундузги оромгоҳлари фаолияти ҳар қачонгидан ҳам намунали ташкил этилди. Айниқса, Галлаорол туман, Қашқабулоқ кишлоғида жойлашган “Камолот” номли кундузги оромгоҳида дам олувчиларнинг ҳар бири кун сермазмун ўтмоқда. Оромгоҳда ҳордик чиқаришга 200 нафар болажонларнинг шўх-шодон қийқириғи ва ўйин-қулғилари бир дам ҳам тинмайди.

Олий тоифали педагог Асқад Шертойлоқов раҳбарлигидаги ушбу оромгоҳ Сангзор дарёси соҳилида жойлашган. Оромгоҳда “Авангард”, “Ни-

ҳол” ва “Камалак” гуруҳлари бўлиб, дам олувчиларнинг ёзги таътил кунларини мароқли ва кўнглидагидек ўтказиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Жисмоний тарбия маданияти ўқитувчиси Бобур Тожибоев бошчилигидаги тарбиячилар анъанавий ўйинлардан ташқари “Ким эччил ва чаққон?”, “Елкада кураш”, “Тортишмачоқ” каби миллий ўйинлар, оромгоҳ йўлақлари бўлиб тез юриш ва югуриш машқларини ҳам йўлга қўйишмоқда. Сув ҳавзасида эса ўғил-қизлар сузиш сирларини ўрганаётир.

Бизга Алишер Қодиров раҳбарлигида ташкиллаштирилган турли сахна кўринишлари, қўшиқ айтиш ва рақсга тушиш танловлари айниқса,